

2010 йил — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Қадрли ватандошлар!

Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар хусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб олсак, айти мудао бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз, биринчи навбатда, давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда «**Баркамол авлод йили**» деб ном беришни таклиф этмоқчиман.

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Авалло, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайдик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган
тантанали маросимда сўзлаган маърузасидан.



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги**

Тахририят:

бош муҳаррир

Азим СУЮН

бош муҳаррир ўринбосари

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

масъул котиб

Комил ЖОНТОЕВ

саҳифалаш ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Иномжон ЎСАРОВ

навбатчи муҳаррир

Шермурод СУБХОН

Шавкатчилик

кенгаши:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот тарқатувчи» АЖ бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон Вилояти ҳокимлиги масъул ходими

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари Вазирининг биринчи ўринбосари

Азиз ТЎРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият институти ректори

Абдусалом УМАРОВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори

Муқоламизда:

1-бет: Халқ суйган хонанда Тошпўлат Маткаримов

4-бет: хонанда Норбек Сатторов

Босишга 2009 йил 18 декабрда топширилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади: 4357 Буюртма № 55

Тахририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 233-25-66
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

«Hilol Media» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 21-мавзе, Фарҳод кўчаси, 1-«А».

Ушбу сонга:

Насиба БАХРИДДИНОВА
*Муеиқанинг
ёшлар оинига
таъсири*

Зилола НОСИРОВА
*Қуёш сирини
ўйирлаган
чеварлар*

Кўчқор ХОНАЗАРОВ
*Инсониятга
нечта тил
керак?*

Насиба ОЧИЛОВА
*Ҳаёт
ҳикमतлари*

Жорж Луис Борхес
*Жарини
одам*

Комил ЖОНТОЕВ
*Олтинлар
водийси*



АФВ ФАЗИЛАТИ

Афв этиш, кечиримли бўлмоқ комил инсонга хос фазилатдир. Нақшбандия тариқатининг ғоят илғор, халқпарварлик тамойилларини умр мазмунига айлантирган хожагон сулукининг XV асрдаги буюк раҳнамози Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳаётида кечиримлилик, шафқат ва марҳамат ҳамиша зуҳур этиб турган. “Хамсатул-мутаҳаййирин”дан ўқиймиз: “Бир қатла фақираларнинг қадимий девонин Мавлоно Абдуссамадгаким, замоннинг хушнависларидиндур ва хуш таъби ҳам бор, буюруб эрдим ва улча мақдур такаллуфдур қилиб эрди”. Шоир ва ўз замонасининг хушхат котиби Мавлоно Абдуссамад девонни кўчириб тугатгач, қўлёзмани аслият матни билан муқояса қилиб ўқишни Алишер Навоий устоз Жомийнинг ўзларидан илтимос қиладилар. Алишер Навоий истаги қондирилади. “Алар айттилар: “Бир-икки кун мунда турдик. Биз миқдоре мулоҳаза қилали. Котибин хуштаъби киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурга эҳтиёж бўлмағай”. Аммо ҳақиқий аҳвол Мавлоно Жомий фаразига тескари бўлиб чиқади. Котиб девонни кўчиришда эътиборсизлик оқибатида беҳад кўп хатога йўл қўйган, баъзи саҳифаларда байтлар ҳам матндан соқит қилинган эди. Алишер Навоий ёзадилар: “Тонгласи фақир алар хизматиға еттим, айттиларким: “Бу китобни гариб навъ битибдур, анга ўхшарким, илтизом қилмиш бўлғайким, ғалатсиз мисраъ битмағай, баъзи ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибтур, ўзи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур, кўп эҳтиёт жиҳатидин шояд хейли рўзгори зоеъ бўлғай”. Бугунгидек замонавий босмаҳоналар мавжуд бўлмаган ўрта асрларда хаттотларнинг ўрни ва мавқеи жуда юксак бўлган. Хаттотлик касби олдига қўйилган талаблар ҳам шу соҳа кишиларининг давр маданий ҳаётида тутган ўрнига қараб белгиланган. Алишер Навоий қитъаларидан бирида чаласавод котибни мансабидан четлаштирмоқ, мамлакатдан бадарға қилмоқ кераклигини уқтирган. Чунки инсоният истиқболининг, камолотининг қафолатини берувчи китоблар котиблар туфайли дунёга тарқалади. Хаттот ўз фаолияти билан жамиятнинг маънавий ривожланишига, ижтимоий-руҳий муҳитга жиддий таъсир ўтказади.

Шеър — Алишер Навоий таъбири билан айтганда шоирнинг “истеъдоди фарзанди”. Хаттотнинг эътиборсизлиги оқибатида юзага чиқадиган саҳву хатолар маънога путур етказади. Муаллиф ғоявий-бадиий ниятининг ёрқин намоён бўлишига соя салади. Фикрнинг жозиба қудратини, бадиий таъсир суръати ва даражасини заифлаштиради. “Хамсатул-мутаҳаййирин”дан келтирилган иқтибосдан аён бўлаётирки, Нуриддин

Абдураҳмон Жомий ўз “истеъдоди фарзанди” — “сўз гавҳарлари”ни хор қилган, таҳқирлаган котиб шайнига тавозеъ талабларига хилоф бирор оғиз сўз айтмайди. Аксинча, хушхат котибнинг ўз умрини зоеъ қилганлигидан афсус чекади: “...чун хушнавис кишидур, кўп эҳтиёт жиҳатидин шояд хейли рўзгори зоеъ бўлғай”.

Чексиз андиша, хушфеъллик, хаттот ҳолига ачиниш, уни аяш, шафқат ва меҳрибонлик борки, Абдураҳмон Жомий сўзларида, айбдорга нисбатан муомалада бундай мақомда бўлиш осон иш эмас, нақшбандия тариқати “Хуш дар дам” ақидасининг ахлоқ зиёси билан мунаввар вужуд, покиза инсон сиймосидагина шундай одоб нури зуҳур этади.

Икки улуг аллома ўртасида узоқ давом этган орифона мунозараю мубоҳасадан сўнг котиб томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиб чиқишни Мавлоно Жомий ўз зиммасига олади. Ишни ниҳоясига етказган улуг аллома “ўз муборак қалами билан ислоҳ” қилинган девонни ниҳоясида кўйидаги қитъани битиб, илова қилади:

*Бир хати чиройли (котиб) гўзаллар юзидек қилиб,
Сўзларимни безаб чиқди.*

*Лекин у ҳар жойда қалами хатоси билан
Гоҳ бир нарса орттирди, гоҳо эса тушириб қолдирди.*

Мен ўз хатим билан уни тузатиб чиқдим.

Гарчи ноқулай эса-да, кўнгил тилагандек бўлди.

У менинг сўзларимни не қоғлик бузган бўлса,

Мен унинг хатиға шундай қусур етказдим.

(Порсоҳон Шамсиев таржимаси)

Машаққатли ва мушкул бир ишни ҳеч ҳам миннатсиз амалга ошириш ва шу эзгу амал воситасида бошқаларни (бунда хаттотни ва Алишер Навоийни) хижолатнинг оғир юкидан қутқазиб олижанобликдир. Юракни сиқадиган, хотирни паришон қиладиган бир вазиятдан мулойим табассум, лутфу мадуро билан чиқиш мардликдир. Бировларнинг маҳзун бир ҳиссиёт уйғотадиган ҳаракатидан ранжимаслик собирлик, ўзгалар қалби ва қадрини авайлаш муродида барча оғирликни ўзига олиш футувват, насиҳатнинг аччиқ дориларини мутойиба болига ўраб бериш (Шайх Саъдий ифодаси) зарифликдирки, “Хамсатул-мутаҳаййирин”дан келтирилган қитъа мағзида ва унинг муаллифи табиатида комил инсон ахлоқига хос ана шу хусусиятлар мужассамланган.

Шавкат ҲАЙИТОВ,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти



МУСИҚАНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Санъат мусиқа тури сифатида инсон эшитиш аъзосига таъсир ўтказиш баробарида унинг ҳис-туйғуларини кўзгайди, эстетик диди шаклланишига кўмак беради.

Қалмоқ шоири Давид Куғултинов шеърларидан бирида мусиқа сеҳри хусусида қуйидаги байтга дуч келамиз:

*Куйдан кенгайди бахтнинг ҳудуди,
Тинглаб кўз очади инсон умиди.*

Шоир таъкидлаганидек, куй — бахт ҳудудини кенгайтирадиган восита. Мусиқага иштиёқманд инсон маънавий жиҳатдан юксакка кўтарилади. Чунки мусиқа инсон сезги-ларига таъсир ўтказиб, унинг руҳини тозалайди, поклайди.

Мусиқада шеърят ҳамда тасвирий санъат элементлари ўзаро муштарақлик касб этади. Назм мулкнинг султони Алишер бобомиз бежизга “Навоий” тахаллусини танламаган. “Наво” — куй, оҳанг, хониш демак. Наво воситасида инсон ҳақни танийди:

*Навоийнинг тилин шукрунга гўё
айлаким, бўлғай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар
дам юз наво пайдо.*

Навоий ёруғ олам — гулистондаги барча мавжудотлар Яратганга наво қилади, шу боис наво тинглаб тириклик неъматига шукр қилмоқ лозим, демоқда.

Мутахассислар фикрича, бола

идроки шакллана борган сари эшитиш қобилияти кучаяди. Шунинг учун ҳам бола тақлидан ҳар хил товушлар чиқаради. Ва шу баробарида хотирасига тинглаган мусиқалари муҳрланиб қолади. Бироз улғайганидан сўнг эса, унда чолғу асбобларида машқ қилиш истаги пайдо бўлади. Хонадонда дутор ёки рубоб бўлса, шунга талпинади. Пианино чалиб кўришга интилади. Бирор куйни хиргойи қилади. Буларнинг барчаси инсон қонида мусиқага иштиёқ мавжудлигидан дарак беради. Ҳатто бола она қорнидаёқ куй товушини ҳис қиларкан. Шу сабабдан ҳам аксари ҳолларда ҳофизларнинг фарзандлари ота йўлини танлашади.

Алалхусус, инсон маънавияти

шаклланишида мусиқанинг ўрни беқиёс. Мусиқага меҳр қўйган инсон ҳеч вақт ноҳоз амалларга қўл урмайди. Бу кўп йиллик тажрибаларда ўз исботини топган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатига алоҳида эътибор қаратилгани қувонарли ҳол. Олис вилоятларда ҳам Болалар санъат ва мусиқа марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Болаларга миллий чолғу асбобларида чалиш сир-синаотлари ўргатила бошланди. Ёш ижрочиларимиз халқаро кўрик-танловларда ҳам фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Ёш скрипкачилар, пианиночилар истеъдоди тобора сайқал топмоқда.

Маълумки, Европа чолғу асбобларига, гарбона мусиқага қизиқиш мамлакатимизда ўтган асрнинг бошларида кучайган. Айниқса, аслзода хонадон вакиллари пианинода гарбона мусиқаларни ижро этишни билганлар. Бу хусусият мусиқа сарҳаду чегарани тан олмаслигини билдиради. Худди шунингдек, Шарқ халқлари мусиқаси Европанинг баъзи мамлакатларида оммалашиб кетди. Бугунги кунга келиб, аксари ёшларимиз гарб мусиқасига иштиёқмандирлар. Улар поп мусиқаси сир-синаотига ҳам яхши тушунишади.

Мусиқа фақат эстетик завқ манбаигина эмас, балки ўзида ҳаёт фалсафасини жамулжам этган санъат туридир.

Шу боисдан ҳам даҳо санъаткорлар яратган мусиқа мажмуала-



ри дурдона ёдгорликлар сифатида асраб-авайланади. Буюк бастакорлар ҳаёти ҳақида бадиий асарлар, кинофильмлар яратилади. Жумладан, Моцарт ҳақида ўнлаб асарлар бор, бадиий фильмлар ишланган. Ёшларимиз шу тариқа мусиқада тилсимланган ҳаёт фалсафасини уқиб оладилар.

Мамлакатимиз телевидениеси кейинги вақтларда мусиқа фониди ҳаётнинг теран фалсафаси ифодаланган кўрсатувларни эфирга узата бошлади. Тўғри, бундай дастурлар хусусида ҳали жамоатчилик фикр билдирганича йўқ. Аммо бу маънавият бобидаги янгиликлардан бири ҳисобланади. Кун келиб, ёшларимиз бу зайлдаги дастурларнинг

қадрига етадиган бўлади. Зотан, ёшлар савияси такомиллашса, улар энгил-елпи мусиқалар кишига руҳий озуқа бермаслигини, шунчаки ўткинчи завқ тақдим этишини тушуниб етадилар.

Шахс тарбиясида мусиқа катта рол ўйнайди. Зотан, дунёқараш шаклланиш жараёни мусиқа эшитиш баробарида тезлашади. Европа замонавий дунёсида мусиқа санъати қадрланаётгани бежизга эмас. Европаликлар мусиқа кечалари уюштирадилар. Ўша тадбирларда ёшлар ҳам иштирок этишади. Мусиқа кечаси ниҳоясига етгач, залдаги ихлосмандлар ўринларидан туришиб, санъаткорларни олқишлашади. Бунинг тарбиявий жиҳатлари ҳам бор. Бу янглиғ эъзозлашларда руҳий озуқа тақдим этаётган моҳир ижрочиларга эҳтиром кўрсатиш туйғулари юз очади.

Ўз образлари, рамз-тимсоллари билан мусиқа илғор фикрли инсонлар руҳий дунёсини забт этгани маълум. Ёшларимиз бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ҳаёт фалсафасини тушунишда, эзгу ҳиссиётларни парваришlashда мусиқа кучқувватига таянадилар, маънавиятларини янада бойитадилар. Алҳол, мусиқа мавж урган жойга ёвузлик кира билмайди. Эзулик эса тантана қилаверади.

Насиба БАҲРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси профессори





Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бўлмиш Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида каштачилик билан кўп асрлардан буён шуғулланишади. Бу вилоятларнинг деярли барча туманларида яшовчи хотин-қизлар каштачиликдан ташқари гиламдўзлик, наматдўзлик, кигиз тўқиш, қуроқ тикиш билан шуғулланади. Қадимдан сеп таркибига турли хил каштачилик маҳсулотлари кирар, улар эса ўз ўрнида ёш келин-куёвларнинг хоналарини безаб турар эди. Булар тўпбаргли, катта ҳажмдаги безакли — сўзаналар, сандиққа тахланган кўрпалар устига мўлжалланган борпўш ёки бугжомалар, шифт ости бўйлаб ўтадиган — зардеворлар, сандал устидаги чойшаблар. Кашта билан безатилган бошқа турдаги маҳсулотлар ҳам кенг қўлланилган бўлиб, булар жойна-мозлардан тортиб, майда кундалик рўзгор маҳсулотлари — ойнахалталар, чойхалталар, тузхалталар ва эркак камарлари — белбоғ ва белқарслардан иборатдир.

Кашта солишда чеварлар сатин матоларни асос қилиб олишса-да, баъзи тантанали тадбирлар учун шойи матоларни ҳам ишлатишади. Кўпинча улар пахта иплардан фойдаланишади. Афсуски, бугунги кунда улар сунъий бўёқларда бўйланган синтетик ёки пахта ипларни ишлатишади, бу эса ўз навбатида анъана ва сифат бузилишига олиб келади.

Қашқадарё чеварлари қўллайдиган чок турлари

Ўзбекистон ва бошқа ҳудудларда қўлланиладиган чоклардан фарқ қилмайди. Чоклардан матони зич ва маҳкам кашталайдигани — босма ва кандахаёл чоки, Шаҳрисабзда ироқи чоки кенг тарқалган бўлса, танбур чоки — эрма кам ишлатилади. Эрма асосан кичик ҳажмли буюмларни тикишда қўлланилади. Нақшларни махсус усталар — чизмакашлар чизиб беради, аёллар ва ёш қизлар эса уларнинг нақшларига қараб кашта тикади. Сурхондарё ва Қашқадарё каштачилиги Ўзбекистон анъанавий каштачилиги доирасида ҳам ўзининг ёрқин ва ўзига хос бадиий хусусиятларига эгадир.

Қашқадарёнинг ҳамма туманларида ҳам анъанавий кашта учрайвермайди. Фарбий ҳудудларда аҳолиси ўзбек, туркман, араблардан иборат Муборак марказида деярли кашта билан шуғулланилмайди. Вилоят ҳудудидаги каштачиликнинг ўзига хослиги маҳаллий аҳолининг тарихий шаклланган ҳаёт тарзи билан боғлиқдир. Вилоятнинг фарби ва жануби-фарбидаги Муборак, Деҳқонобод туманларида қадимда яшаган кўчманчи ва чорвадор ўзбек қабилаларидан кўнғиротлар, шунингдек, туркманлар, араблар гилам буюмларидан кенг фойдаланганлар. Анъанавий каштачиликнинг кенг тарқалган ҳудудлари азалдан Шаҳрисабз-Китоб туманлари ҳисобланади.

Фарбий туманларда (Муборак, Қарши, Деҳқо-

нобод, Косон) каштачилик ўзига хос тарзда фарқланади, лекин уларнинг доираси чекланган. Улар асосан кичик ҳажмли сўзана ва жойнамозлар бўлиб, сатинга ипак ва пахта ипларда тикилган. Афсуски, сўнгги йилларда маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига кўра тўй либослари учун ялтироқ сунъий матолар ишлатила бошлади, бу дидсизлик ва қадимий анъаналардан узоқлашишга олиб келди.

Кашта нақшларидан гилам тўқишда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, Муборак туманидаги “Геолог” маҳаласида кашта ва гилам тўқишда бир хил нақшлардан фойдаланилади. Чунки кашта тикиш ва гилам тўқиш билан битта уста шуғулланади. Сўзаналарнинг тўпбарг композицияларида асосан ўсимликсимон, баъзан ҳайвонот дунёсига тегишли нақшлар учраб туради. Нақшларни жойлаштириш билан чизмакаш шуғулланади. Қоғозга узум ва бошқа дарахт барглари ёки хотирадаги нақшларни тўширадилар, нақш ва унинг элементлари кўпроқ акс этади. Йирик сўзаналар думалоқ “ой” тўпбаргтулар ёрдамида тўқилади.

Маълумки, Шаҳрисабз “ироқи” каштаси билан машхур, лекин, шу билан бирга, “юрма”, “босма” кашталари ҳам кенг қўлланилади. Шаҳрисабзнинг тоғ олди туманларидаги Дўнг, Аваз Малик, Шамби, Овул, Учўйли, Мироқи, Паландара, Наримонов, Ҳазрати Башир ва бошқа қишлоқлардаги замонавий каштачилик буюмлари ниҳоятда қизиқарли ва деярли ўрганилмаган маълумотлар беради. Аваз Малик қишлоғида яшовчи Раҳимова Хурсандой (1953 й.т.) хонадонидан 1933 йилда тикилган сўзана аниқланди (1x1,5м). Сўзана, белқарс, келин рўмол каби барча кашта буюмларнинг нақшлари “босма” чоки билан кашталанган. Хурсандой ҳам кашта тикади, ҳам расм солади.

Шаҳрисабз туманининг қишлоқларида каштачилик санъатини кузатиб, шундай хулосага келиш мумкин: гиламдўзлик ва каштачиликда қўлланилган безак-гуллар бир-бири билан уйғунлашган. Зеро, ҳар бир чевар ҳам каштачилик, ҳам гиламдўзлик билан шуғулланади. Шаҳрисабз маҳаллий каштачилиги анъаналари Сурхондарё ва Самарқанд каштачилик мактаби услублари билан ўзига хос тарзда боғланиб кетган.

Сурхондарё вилоятининг халқ анъанавий каштачилиги махсус тадқиқ қилинмаган, фақатгина ЮНЕСКО томонидан Бойсун туманига уюштирилган экспедиция натижалари орқали маълумотга эгамиз. Ҳаттоки Ўзбекистон амалий санъатига бағишланган илмий ишларда ҳам деярли тилга олинмаган.

2009 йилда илк бор ўтказилган маданиятшунослик экспедицияси материаллари сўнгги 60-80 йилларда Сурхондарёнинг Ангор, Музработ, Шеробод, Узун, Денов, Сариосиё, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманларидаги анъанавий каштачилик ҳолати ва ривожининг ўзига хослигини ўрганишга имкон берди.

Сурхондарё ҳудуди каштачилигининг маҳаллий жиҳатларига тўлиқ тавсиф бериш учун алоҳида туман ва қишлоқларнинг анъанавий хунармандчилигини бирма-бир ўрганиш асосида амалга ошириш мумкин. Сурхондарёда сўзаналар нақши асосан тўқ қизил сатин матодан тикилади. Қашқадарё ва Самарқанд вилояти сўзаналари орасида қора, бинафша ранглари ҳам учрайди.

Ўлкамизнинг жанубида жойлашган Сариосиё тумани Чорво 1 қишлоғида истиқомат қилувчи Исоева Зумрад кашта тикувчиларнинг 5-авлодидан бўлиб, тикишни онасидан ўрганган. Қора шойи жойнамозга чизма чизиб, мехробга нақш – “пахта гул”, ичига “гармдори” нақши тиккан. 1983 йилда тикилган зардеворда – 12 тўпбарг, яъни “наппак” нақши бўлиб, чеварнинг айтишича у оқ йўл маъносини билдиради, попугини – “шаршара” деб номлайди. Камёб бўлган 24 тўпбаргли сўзананинг пушти рангли шойи матога тикилган нақшлари жилоланиб туради. Улар бир-бирига жуда зич тикилган бўлиб, тўпбарги – “косагул” дейилади. Икки қатор “оба” сув ичида “пахта гул” жойлашган. Бу катта сўзанани у опа-сингиллари билан уч ойда тиккан, чоки – “рост чок” дейилади. Унинг қайнонаси Муҳаммадова София ёшлигидан кашта тикади. У асосан 10 ва ундан ортиқ тўпбаргли сўзаналар тиккан. 1938-1940 йилларда тикилган 15 тўпбарггулли сўзана нақшлари йирик бўлиб, ҳар бир коса гул – “кулча”, орасидаги қора “шоҳча”, четида “оба” - сув, “боди гардон” (офатдан қайтарувчи) каби нақшлар жойлашган. Унинг қизи – Муҳаммадова Ҳалима ҳам



чевар, бу хунарни онасидан ўрганган. 14 тўпбаргли сўзанани келинлик сепи учун тиккан (4x2м). Ҳар бир тўпбарглarning орасини яшил ва қора рангли нақшлар билан тўлдириб чиққан. Сўзананинг чети – “оба” нақши бошқа сўзаналарга нисбатан энли тикилган. У тиккан каштадаги нақшлар кўчманчи чорвадор қабилаларда мавжуд бўлган коинот ва кутбий рамзларга хосдир.

Сариосиёлик чевар Холмуродова Гулбаҳорнинг онаси моҳир чизмакаш бўлиб, қизига 11 ёшидан кашта тикишни ўргатган. 1980 йилларда келинлик сепи учун сўзана, зардевор, бугжома ҳамда куёв белбоғи тиккан. Сўзана ўртаси катта “ой”, “олма гул”, унинг атрофи “гажак гул” билан нақшланган. Асоси қора сатин. Онаси 1970 йилларда тиккан “чайнак гулли” зардевор (50смx5м) сатҳи “пахта гул” нақши билан қопланган. Унинг атрофи бўйлаб саккиз айланма “гажак” нақши тикилган. 1980 йилларда бахмалга “санама чоки”да тикилган зардевор ҳам янги услубдир, чунки зардеворлар фақат сатин, шойи каби матоларга тикилган. Г. Холмуродова кашта тикиш билан бирга гилам тўқийди. У тиккан кашта нақшлари гиламдўзлик буюмларида ҳам учрайди.

Чевар Дилором Ҳайиталиева 15 ёшидан кашта тикади 1980 йилларда қора сатинли 55 тўпбаргли сўзанани онаси Ҳасанова Новвог билан бирга бир йил давомида тиккан. Сўзана катта (5x3м) ҳар бир тўпбарг оқ рангли бўлиб, орасига беш япроқли гул тикилган. Опа-сингиллар тиккан 8 тўпбаргли сўзана (5x3м) эса, аввалгисидан фарқ қилади. Унинг тўпбарггуллари йирик, орасида тўртта майда барг билан ўралган “ой” чалар бор, уларнинг атрофи эса “гажак гул”лар билан қопланган. Д.Ҳайиталиева тиккан 5 тўпбаргли сўзана (2x3м) матоси нақшлар йириклиги ва ранглариинг ёрқинлиги билан Бойсун сўзаналарига жуда ўхшаб кетади. Бу ерда, шунингдек, Самарқанд каштачилик мактаби анъаналари таъсиридан гувоҳлик берувчи жойнамоз ва бошқа маиший жиҳозлар аниқланди.

Сурхондарё вилояти каштачилигида Қашқадарё ва Самарқанд каштачилик мактаблари услублари билан бирга, аҳолининг келиб чиқиши ва марказдан узоқда жойлашишига қараб кашта услубларидаги фарқларни кўриш мумкин.

Зилола НОСИРОВА



МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Тарих инсонни истиқболга даъват этади, улкан яратувчанликка рағбатлантиради. Тарихнинг бундай маънавий, маърифий, тарбиявий ва мафкуравий аҳамиятини кўзда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 сентябрда эълон қилинган Фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Маркази ташкил этилган эди. Ушбу Фармойишга мувофиқ 1996 йилнинг 16 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори ҳам эълон қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатлар халқимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, уларнинг жаҳоншумул аҳамияти ва тарихни сохталаштиришдан холи бўлган, миллий тикланиш ва тараққиёт ғояларига хизмат қиладиган асарлар яратишга илҳомлантирди, бой маданий меросимиз, анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга, Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган ҳаққоний тарихимизни тиклашни Марказ олдида асосий вазифа қилиб қўйди.

Уч йил давомида «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» (1865-1917 йиллар) номли биринчи китоб, «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» (1917-1991 йиллар) номли иккинчи китоб ва «Мустақил Ўзбекистон тарихи» (1991-2000 йиллар) номли учинчи китоб қўлёз-


малари тайёрланиб, 2000 йили нашр этилди.

Орадан йиллар ўтди. Мустақил тараққиёт, ислохотлар жараёни эса давом этмоқда. Шунинг учун ҳам мустақиллик даври тарихини яхлит ва тизимли тарзда ўрганишга бўлган катта эҳтиёжни назарда тутиб, муаллифлар — таниқли олимлар Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаев 3-китобнинг тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашрини тайёрладилар.

Китобнинг биринчи нашри саккиз боб, 39 мавзудан таркиб топган эди. Кейинги йиллар тарихий тараққиётини ҳисобга олиб муаллифлар Н.Жўраев ва Т.Файзуллаевлар унга яна учта мавзу қўшдилар. «Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши» бобида мустабид советлар тузуми халқнинг сабр косасини тўлдиргани, мамлакат эса бўҳрон ҳолатига тушиб қолгани тадқиқ этилади, тоталитар тузумнинг инқирозга юз тутиш жараёнлари ва уларнинг сабаблари ишончли далиллар билан баён қилинади.

Иккинчи боб «Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотлар» деб номланган. Бунда Олий Мажлиснинг шаклланиши, миллий давлат тизимининг таркиб топиши, айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти тармоқларининг янгича тизими вужудга келгани ва кадрлар тайёрлашдаги янгича тadbирлар кенг баён этилади.

Китобнинг «Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси» деб



номланган учинчи бобида мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси эришган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларидаги ютуқлар таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қорақалпоқ халқига нисбатан қўрсатаётган ғамхўрлиги беқиёс эканлиги таъкидланган. 1994 йил 14 январда Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат президентлари учрашувида, 1995 йил сентябрида Нукусда ўтказилган халқаро конференцияда Нукус Декларацияси қабул қилиниб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига қаратилди. 1997 йил март ойида Алматида Марказий Осиё республикалари Кенгаши йиғилишида ҳам мазкур масаланинг кўрилиши фикримизнинг далилидир.

Китобнинг «Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши» бобида иқтисодий тараққиётда ўз йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида ўзига хос янги демократик қадриятлар илдиз отгани, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига хос тузилмалар шаклланиши талқиқ этилади. Муаллифлар республикамизда фаолият кўрсатётган партияларнинг халқимиз ҳаётида туган ўрни, Олий Мажлиснинг демократик тамойилларни ўрнатиш бўйича амалга ошираётган тadbирлари ҳусусида фикр юридадилар.

«Сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши» деб номланган бобда мустақиллик шароитида фуқаролар манфаатлари йўлида Республикаимиз Президенти Ислом Каримов олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати талқин этилади.

Китобнинг «Иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари» бобида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган ислохотлар талқиқ қилинган. «Бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётий етуқлик ва сабр-магонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир», дейди Президент Ислом Каримов. Шу боис, иқтисодий ислохотлар — бозор муносабатларига ўтиш истиқлол учун ҳам, ўзбек халқи учун ҳам синов даври бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг изчиллиги, амалийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда барқарор тараққиётнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Муаллифлар ушбу ижодий муаммога ҳам эътиборни қаратиб, унинг асосларини етарли даражада ёритиб берадилар.

«Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг

тикланиши» деб номланган еттинчи бобда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маданий меросни ўрганиш, тарихий шахслар ҳурматини жойига қўйиш ҳамда миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш асосида миллий ўзликни англаш ва шу орқали миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш тамойиллари чуқур талқиқ этилади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик даври тарихини яратиш талқиқотчидан юксак илмий савия ва кенг дунёқарашга, теран тафаккурга эга бўлган салоҳият ва сиёсий таҳлил маҳоратини талаб этади. Чунки тарихий воқеалар ҳали давом этаётган бир пайтда уни таҳлил этиш орқали аниқ ҳулосалар чиқариш осон эмас. Бу тарихнависликнинг ўзига хос қийин томони. Айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб, муаллифлар тарихий воқеалар ва жараёнларни ёритишда, таҳлил этишда, уларга ҳолисона баҳо беришда масалага ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ақл-идрок йўриғи билан ёндашганлар ва бунга эришганлар.

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори,
профессор.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



ОЙДУН ОХАЖТЛАР



Маҳкам МАҲМУДОВ

Истеъдодли бастакор Ҳасан Иброҳимовга бағишлайман

Қийғос гуллаган ўрикнинг сербарг бутоғида ўтирган булбул баҳор ифоридан завқланиб, чаҳ-чаҳлаб, чириллади. Сўнг недандир чўчиб, учиб кетди. У ўтирган бутодан дув тўкилган оппоқ гуллар ариқчадаги сувга тушиб номаълум тарафга оқа бошлади.

Бирдан ҳаво айниб, осмонни қора булут қоплаб, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлади, шаррос жала қуйди. Ўрик гуллари шумшайиб, чиройини йўқотдилар.

Шамол булутларни ҳайдади, яна куёш нурларидан олам чарақлади. Куёш нурлари гулларнинг юзини силади...

Узун айвон деразаси олдида турган Ҳотам шошиб фортепиано олдида келди. Бироз олдин кўрган, ҳис этганларини нотада тасвирлай бошлади. Куёшни, нур ва сояларни, чақмоқ ва жалани, ўрик гулларини ёрқин рангларда тасвирлай олувчи рассомларга ҳавас қилди. У ана шу ажиб ранглар оламини ажиб бир илҳом билан товушлар тилига кўчирди. Бу — мўъжиза эди...

У Бетховендай буюк бастакор бўлмоқчи эди. Бу орзу, мақсад, бу фикр унинг шуурига қачон ўрнашиб қолганини ҳозир билиб бўлмасди. Лекин назаримда, Ҳотам ўзини мусиқа санъатида Бетховенга тенг деб билар, бунга заррача шубҳа қилмас эди. Сабаби — унинг қалбида ҳам гўзаллик, нафосатга шайдолик, адолатсизликка, алдовларга, мунофиқликка, мутъликка, қуликка, сохталикларга, киборларнинг ясама ва ўткинчи дабдабалари, ҳашаматларига нафрати чексиз эди. Унинг ҳам қалбида “Ой сонатаси”, “Қаҳрамонлик симфонияси” каби қалбларни ларзага солувчи ойдин оҳанглар туғиларди. У мусиқада эҳтирослар бўрони билан ҳаётдаги барча тубанликларни юлқиб ташлашни истарди. Унинг қаламидан тўкилган кўшиқлар булоқ сувидай тиник, осмондай юксак эди. Ва

ниҳоят, уни олмон даҳосига яқинлаштириб турган яна бир хислат — унинг ҳеч кимга бош эгмаслиги эди...

Бу хислатлар Ҳотамга отасидан ўтган эди. Отаси Малик ака пойтахтдаги обрўли газеталардан бирида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишларди. У истаса, биринчи бошлиқ ҳам бўла оларди, газетанинг биринчи бошлиғи Зиёдулла Эсонбоев уни қадрларди, уни неча марта ўз ўрнига қўйишга қистади. У: “Малик, бу газетани сендан бошқага ишониб бўлмайди”, дер, бўлим бошлиқлари ёзган жиддий мақолаларни “Малик ўқисин, унга маъқул бўлса, босамиз” дерди. Зиёдулла ака ўз муовини Малик акани ишга содиқлиги, инсоний гурури, ҳалоллиги учун ҳурматларди. Бу икки дўст жаҳон урушида турли шаҳарларда жанг қилган, фашистлар устидан ғалаба қозонилгач, Ўзбекистонга қайтиб, бир таҳририятда ишлар эдилар. Тўғри, иш жойида Малик акадан машҳурроқ, қалами ҳам ўткирроқ журналистлар бор эди. Восиқ Маҳкамов шулардан бири эди. У тез ёзар, кўп ёзар, яхши ёзар эди. Яна бир фазилати — ишхонада биллиард ўйинида кий билан шарни аниқ мўлжалга урар, бир зарб билан бир вақтда учта ҳовузчага учта шар тушира оларди. Биз, ёш журналистлар учун Восиқ ака ибрат — идеал ҳисобланарди.

Малик ака ёзган бош мақолалар барчага бирдек маъқул келарди. Малик ака каттароқ мансабга кўтарилолмас, сабаби унинг отаси ва акаси жаҳон урушидан аввал, ўттизинчи йилларда қатагон бошланган даврда хорижга қочиб, қобилияти туфайли қайси бир капиталистик давлатда раҳбарлик мансабларида ишламоқда эди.

Буни Малик ака билмас, фақат Москва биларди. Аслида Малик ака баланд мансабларга интилмас, юксак мансабларсиз ҳам ўзининг асл инсонлигини би-

лар, бу унинг кам гапиришида, ҳукмфармо сўз оҳангида кўринарди.

Газета таҳририятида фақат меҳнат, ижод пайтларида эмас, байрамлар ва тўйларда ҳам Малик аканинг ҳурмати баланд эди. Тўй қилгувчи, ўғил уйлантирувчи, қиз узатувчи журналистлар Малик акадан ёрдам ва маслаҳат сўрардилар.

Малик аканинг ўзи ҳам серфарзанд, тўрт қизи ва бир ўғли бор эди. Аёли оддий шифокор, болаларидан умиди катта эди. Фарзандларидан бири вазир бўлишини орзу қиларди. Малик ака ўзи каби ҳақгўй ва гўзал аёлини севар, уни Германияда учратиб, Тошкентга олиб келган эди.

Халқаро кўламда турли анжуманлар ўтказилган пайтларда жаҳон киноси, адабиёти ва санъати юлдузлари Пабло Неруда, Азиз Несин, Абдурахмон ал-Ҳомисий, Юсуф ас-Сибоий, Яшар Камол, Файз Аҳмад Файз, Раж Капур, Наргис келганида Малик ака ҳам уларни кутиб олишга чиқарди.

Азиз меҳмонларни юксак иззат-ҳурмат билан кутиб олишар, улар шарафига Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг муҳташам саройида байрам концертлари, учрашувлар, ижодий кечалар ўтказиларди. Раҳбарлик сардафтари рўйхатида бўлган Малик ака ҳам бу концертларга қизларини ва арзанда ўғли Ҳотамни кўғирчоқдек ясантириб олиб келарди. Мана шу концертларда шарқона мумтоз наволар билан бирга Вольфганг Амадей Моцарт, Фредерик Шопен, Иосиф Гайдн, Иоҳанн Себастиан Бах, Людвиг ван-Бетховен ижодига мансуб самовий мусиқа садолари янграрди.

Болаликдан мусиқа мактабида ўқиб, истеъдод куртаклари кўриниб қолган Ҳотам бошқа вақтларда ҳам операга кўп тушар, Олмония мусиқа даҳоси Бетховен оҳанглари оламига гарқ бўлиб, ўзининг қайси замонда яшаётганини ҳам унутиб қўярди.

Авваллари эрка ўғлининг мусиқий истеъдоди билан фахрланиб юрган Малик ака энди ташвишга туша бошлади. Ўғли “даҳоман” деб, опаларини менсимай қўйди, опалари аввал уни қанча яхши кўриб, эркалатган бўлсалар, энди ундан шунча кўнгиллари совида. Уй худди театр саҳнаси ва концерт залига ўхшаб қолди. Француз рояли ўрнатилган залда фақат Ҳотам ҳукмдор эди.

Ҳотамнинг икки опаси — Дилбар ва Малика ҳам театр соҳасида ўқиб, ажойиб актриса бўлиб етишдилар. Шифокор она гўё ўзи санъаткор бўлгандай, севинчи ичига сигмасди. Энди она кенжа қизи, ҳуқуқшуносликка ўқиётган Гулноранинг вазир бўлишини истарди. Гулнора эса отасидай ҳақгўй бўлгани учун ноҳақ айбланган маҳбусларни ҳимоя қилавергани учун ишда кўтарилмасди.

Малик ака обрўли жойда ишлаётгани учунми, биринчи қизи Дилбарга катта жойдан совчи келди. Дилбарнинг нафис чиройи ва санъатдаги шон-шухрати ҳам бу тўйни тезлаштирди. Дипломатия соҳасида (элчихонада) хизмат қилувчи умр йўлдоши санъатни тушунган одам бўлиб чиқди, хотинининг театрда ишлашига рухсат берди. Дилбар саҳнада Дездемона бўлиб,

Офелия бўлиб яшарди. Бир куни Шукур Бурхон — Отелло спектаклда эҳтиросга берилиб, Дилбарни ростанд бўга бошлади.

Кўп ўтмай эри Дилбарни актрисаликдан режиссёрликка ўтказди. У бу ишда ҳам шухрат қозонди. Малика эса Ҳамза театрида Софокл асарига Антихана, саркарда Тўмарис тимсолларини талқин қилиб, томошабинлар олқишини олди. Ҳотам иккала опаси билан фахрланар, лекин ўзини улардан баланд тутарди. Ахир у “ўзбек Бетховени” эди-да!

Ҳотам истеъдоди очилгани сари, газета-журналларда расмлари ва мақолалари босилиб, мақталгани сари ўзининг XX аср Бетховени эканлигига ишончи ортиб борди. Бунга ишончи ортгани сари, ҳаёти фожиали тус ола бошлади.

Чунки замон бошқа, одамлар бошқа эди.

Яна — Ҳотам самовий мусиқий асарлари учун Қироллик театридан катта қалам ҳақи ололмасди, чунки бу ерда қироллик театри йўқ эди.

Яна — Бетховен замонида мусиқани севадиган графлар, баронлар, герцоглар бор эди, улар буюк бастакорга эҳтиром билан қарар, баъзилари унга ҳомийлик қилар эдилар. Бу ерда эса, ундай зотлар йўқ, дўстлар ўрнига: “Ҳотамнинг мусиқаси бўронли, ваҳшиёна”, дегувчи душманлар бор эди.

У замондоши бўлмиш Абдулла Орифнинг истеъдодини тан олар, “Митти юлдуз”, “Тилла балиқча”, “Гўзаллик” каби шеърларига романслар ёзиб, уни Гёте мақомидаги дўсти деб биларди.

Кутилмаганда Малик аканинг бошига ташвиш тушди. У виждонига қарши иш қилмагани, (яхши одамнинг устидан бўҳтон-айбнома ёзиб бермагани) учун Москвага ёқмай қолди. Малик ака вазифасидан бўшатилиди. Кўп ўтмай у юрак хуружи тутиб, оламдан ўтди.

Жанозасига тўп-тўп одам келди. Ҳуқумат, шўролар Малик акани ҳурмат қилмай қўйса-да, халқ уни севар эди. Малик акани дафн этишда қатнашиб, Қуръон тиловатига “Омин!” деб фотиҳа қилган икки бўлим мудири — Восиқ ака ва Маҳмуд акани ҳам кўп ўтмай ишдан бўшатишди.

Бу ўлим бизнинг актрисаларга ҳам, ўзбек Бетховенига ҳам оғир таъсир қилди. Ҳотам бастакорликда анча танилиб, консерваторияда дарс бераётганди. У Фарб мумтоз мусиқаси кафедрасини бошқарар, истеъдодсиз, тўйчи педагогларга кўп танбеҳ берарди.

Отасининг ўлимидан сўнг Ҳотам шўроларни баттар ёмон кўрди. Уларга қарши руҳда “Ҳужум” деган симфония ёзди. Бу мусиқада қизил аскарлар Қишки саройни, гўзаллик қасри — Эрмитажни вайрон қилаётгани чинорларни илдизи билан кўпораётган бўрон, довул каби ваҳимали аккордларда тасвирланган эди.

Бу асарни ижро этишга ҳеч йўл бермадилар. Журналда ҳам нашр этмадилар. Ҳотам аввал ёзган асарларининг ижроси ҳам таъқиқланди. Дилбар хонимнинг эридан бошқа барча поччалари у билан қариндошликдан воз кечдилар. Опалари она уйига қайтиб келдилар. Бастакор бир гала бевалар ва уларнинг отасиз гўдаклари қий-чуви орасида қолди.

Бир куни Ҳотам ҳовлисига асаблари қақшаб киб келди. Она юраги қандайдир нохушлик юз берганини сезиб, ранги оқарди.

— Ҳаммаларига «единица» кўйиб ташладим! — деди у консерватория талабаларига жаҳл ва нафрат билан. — Саводсизлар! Икки баҳога ҳам арзимаиди. Гайдни билмайди, Моцартни билмайди, Бетховенни билмайди! Бу — гирт ваҳшийлик-ку!

Сиёсатдан энг узоқ санъат — мусиқа, лекин шўролар мусиқани ҳам шеърятга яқинлиги сабабли, сиёсий курашнинг нозик куроли деб билишарди. Нозиклиги шундаки, бошқа соҳалар ақлга таъсир қилса, гўзал ва шиддатли оҳанглар миллион-миллион одамларнинг руҳига, шуурига, қалбига етиб борарди. Шу сабабли, Иттифоқ маркази мустамлака, “иттифоқдош” республикаларда миллий мусиқа — мақомларни қайғули, “бунёдкор халқнинг руҳига салбий таъсир қилади” деб қоралади.

Ҳотам мақомларни севар, лекин Ғарб мумтоз мусиқасини афзал кўрарди. У истеъдодли бастакор эканлигидан гоҳида Навоий номидаги Опера ва балет театрида Жузеппе Вердининг “Аида”, Леонкаваллонинг “Масхарабозлар”, Арам Хачатуряннинг “Спартак” асарларида ва олий даражали меҳмонлар шарафига кўйиладиган концертларда дирижёрлик қилар эди.

У фортепиано ва скрипка ижрочилигида ҳам виртуоз, моҳир эди. Ҳотам оркестр жўрлигида Гектар Берлиознинг “Романтик симфонияси”ни, Бетховеннинг “Қаҳрамонлик симфонияси”ни ижро қилганида Вена операси мусиқа арбобларининг олқишини олган эди.

Лекин иш жойида ҳасадгўйлар ва баъзи яхши одамлар ҳам Ҳотамни ёмон кўриб қолдилар. Унинг ўзини катта тутиши, барчага нафрат билан қараши бумеранг бўлиб ўзига қайтди.

Ҳотамни дарс вақтида сиёсатга қарши сўзлар айтиди, деб ишдан бўшатишди.

Унинг истеъдодини қадрлайдиган устози Фаррух Содиқов таниш-билишларини ишга солиб, Машинасозлар маданият саройига мусиқа раҳбари қилиб ишга кўйди. Олий мусиқа даргоҳларидан кетиб, оддий ишчи болаларига мусиқа таълими бериши унга изтироб берарди.

Ҳотамнинг бахтига оддий ишчиларнинг болалари орасида ҳам истеъдодлар бор экан. Буни кўриб, кўнгли равшан тортиди. Шу болаларга мусиқа сирларини ўргата бошлади.

Аммо бу ерда ҳам узоқ ишлай олмади. Маданият саройини ёш истеъдодлардан тортиб олиб, ашула, рақс, мусиқа, рассомлик тўғарақлари кичик бир мактаб биносига кўчирилди. Ҳотам бу қарорга қарши чиққани учун ишдан бўшатишди. Яна боши оғиб, уйқусиз бўлиб, уйда тўполон қилгани учун руҳий касалхонага тушиб қолди. Энди касали оғирлашиб қолган онаси ҳовлидаги катта тут тагида, каравотда ётар, ўз касали етмагандай, бева қизлари учун ҳам, ўгли учун ҳам куяр эди. У ҳам ухлаёлмас, салгина кўзи илинса, Берлиндаги опера театрини, у ерда ўгли оркестрга дирижёрлик қилаётганини кўрар эди.

Қирқ йил умр кўрган, шиғил мева қилган нок

дарахти тагига сув кетганидан йиқилиб, лойга ботиб қолган, уни ҳеч ким тиргович топиб, кўтариб кўймас эди.

Ҳотам бир куни актриса опасига:

— Сиз нимани билардингиз, опа, Вердини, Бетховенни тушунмайсиз-ку! — деди.

— Сен ҳам Навоийни билмайсан! — деди опаси.

Ҳотам баттар асабийлашди:

— Мен-а? Мен Навоийни билмайманми?

У шундай деб рояли олдига келди ва Навоий газа-лига ёзган ўз романсини чала бошлади. Овози қайғули ва шиддатли эди:

*Неча ҳижрондин бузуғ кўнглумда бўлғай дамба-бам —
Ғам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам.*

*Ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати,
Чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам.*

*Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушди, ҳам куйди қалам.*

Она бояқиш бу сўзларни яхши англамас-да, ўглининг мусиқаси оҳангларидан, бева қизларининг ғамгин чехраларидан бу сўзларда фожейи маъно борлигини ҳис қиларди.

Мусиқа тинди. Хонага эзгин сукунат чўкди.

Ҳотам қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади.

У ақлдан озаётган эди...

Орадан йиллар ўтди. Узоқ касалликдан сўнг бастакор ва актрисаларнинг онаси, фаришталардай беғубор аёл ҳам бу дунёни тарк этди.

Шаҳар четроғидаги хувиллаб қолган ҳовлига кўнгли сўрашга бордим. Актрисаларнинг қайғули сўзларини эшитдим. Ҳотам кўринмади. Сўрасам, у бир йилдан буён руҳий касалхонада эканлигини айтишди.

— Ҳотамни вақтида уйлантирмадингизлар, — дедим гина қилгандай опаларига.

— Укамизнинг аҳволи бу бўлса. Эрталабгача бақириб-чақириб чиқади. Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди. Бировнинг қизини укамизга олиб бериб, бахтсиз қиламизми? У аввал ўзини эплаб олсин...

Малик аканинг қизлари шу ҳолатда ҳам ўзларини эмас, ўзгалар бахтини ўйлар эдилар. Орадан йиллар ўтди. Ҳотам бу олам ишларига ҳайрон, бутун олам унга ҳайрон эди.

Бир куни метронинг нимқоронғу йўлагига тошдеворга суяниб, гижжакда “Гиря” куйини эзиб чалаётган, соч-соқоли оқарган бир чолни кўрдим.

Ўтган-кетганлар баъзилари куйдан таъсирланиб, баъзилари савоб учун эски рўзмолга беш сўм, ўн сўм ташлаб кетар эдилар.

Шу пайт “Гиря” ҳали тугамасдан, Бетховеннинг “Қаҳрамонлик симфонияси” янгради. Мусиқа кабутарлари ер остидаги очиқ ҳавога, самога қараб учарди. Бир гуруҳ талабалар шиддатли куйнинг сеҳрига берилиб, тинглай бошладилар.

Бу ўша — жисми синса ҳам, руҳи синмаган ўзбек Бетховени эди...

ИНСОНИЯТГА НЕЧУТА ТИЛ КЕРАК?

Ҳа, бу савол анчадан бери у ёки бу тарзда кун тартибидан тушмай келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири глобаллашувдир. Глобаллашувнинг маъноси шундан иборатки, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши тезлашгани ва кенгайгани сари ер курраси инсон томонидан ҳар жиҳатдан ўзлаштирилган бир бутун сатҳга айланмоқда, телефон, телеграф, радио, телевидение, интернет ва замонавий тезучар ҳаво кемалари узоқни яқин қилиб, халқларни жипслаштирамоқда; биз, масалан, Ўзбекистондан туриб Жанубий Америкада нималар содир бўлаётгани, Арктика оқ айиғи қандай қилиб океан балиғини ов қилаётгани ёки АҚШ давлат котибаси қайси мамлакатда ва ким билан музокара олиб бораётганини биламизгина эмас, кўриб ва тинглаб ҳам тураемиз.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган давр мобайнида инсоният фан, техника ва технология соҳасида бениҳоя йирик ютуқларни қўлга киритди, деярли барча мамлакатлар, шу жумладан, асрлар давомида қоқоқ бўлиб келган собиқ мустамлака ва ярим-мустамлака мамлакатлар янги техника ва технологиянинг ихтиролари асосида иш олиб бориб, тез суръатлар билан жаҳон миқёсида илғор ўринларга кўтарилди бошладилар. Уларнинг шиддатли ўсишини кўрган инсоният уларни «Шарқ аждаҳолари» ёки «Шарқ йўлбарслари» деб атаётган бўлади.

Асрлар давомида қоқоқлик ботқоқидан чиқолмай қийналиб келган кўплаб миллат ва элатлар

тушундиларки, илғор бўлишнинг ягона йўли янги техника ва технологияни ўзлаштириш ва унинг имтиёзларидан оқилона фойдаланибгина қолмай, ишлаб чиқаришда, шу орқали ўз ҳаётини тубдан яхшилашда шу техника ва технологияни тушунтириб берувчи тилни — инглиз тилини ёки унинг ўрнини боса оладиган бошқа йирик тилни билиш лозим. Бундай йирик ва ривожланган тилларни ўрганиш, ўзлаштириш жаҳон бўйлаб оммавий тус ола бошлади. Натижада, илғорликка йўл олган ва қоқоқликдан қутулишни ўзига мақсад қилиб қўйган минглаб кичик миллат ва давлатлар жаҳон илғор фани, техникаси ва технологиясининг тилларига кўча бошладилар, уларнинг она тиллари қаровсиз ва диққат-эътиборсиз қола бошлади. Бундай ҳолатни кўрган ва бу жараённи тўхта-тиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилган баъзи тилшунослар «минглаб тиллар ўлиб кетади» деб аюҳаннос сола бошладилар, шундай тиллар учун махсус «Йўқ бўлиб кетиш арафасидаги тилларнинг Қизил Китоби»ни яратдилар.

«Йўқ бўлиб бораётган тиллар» мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра ХХI аср давомида жаҳонда мавжуд 7650 тилдан илғор замонавий фан, техника ва технология талабларига жавоб берадиган, ривожланган, бақувват, бой ва рақобатбардош 80-90 та тил истеъмолда қолади, холос, қолган тиллар илғор фан, техника ва технология талабларига жавоб бера олмагани боис истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айланади. Демак, бундай тилшуносларнинг фикрига кўра тарихан

шаклланиб, минг йиллар давомида миллатлар ва элатларнинг фикрлаш воситаси бўлган, уларнинг асрдан-асрга ўсиб, ривожланишига хизмат қилиб келган тилларнинг энг камида 97 фоизи бир аср ичида, яъни XXI аср давомида тиллар мазоридан жой олади.

Бу хулоса мазкур ўзгаришларни ўрганаётган тилшунослар томонидан шу даражада қатъий қўйилмоқдаки, улар келтираётган далил-исботлар шу даражада қатъий бўлиб туюладики, гўё ҳеч ким уларнинг фикрига эътироз билдиришга ботинолмайди. Бир аср ичида тарихан ташкил топган 7650 тилнинг 97 фоизи истеъмолдан чиқиб кетиши шак-шубҳасиз эканлигини башорат қилувчиларга эътироз билдирувчиларнинг шунинг учун ҳам тили қисикки, уларнинг кўпчилиги ҳануз тилларнинг келажакда қўшилиб кетиб, минтақавий тиллар пайдо бўлиб, сўнгра эса инсоният ягона бир тилда сўзлашади, деган гайри-илмий назария таъсиридадирлар.

Тилларнинг истиқболи ҳақида бу тарзда фикр юритиш тил ва жамият назарияси соҳасида чаласаводликнинг ёрқин мисолидир. Инсон зоти фақат фан, техника ва технология сабаблигина тирик бўлганида эди, уларнинг фикрига озми-кўпми қўшилиш мумкин эди. Ҳолбуки, фан-техника, технология инсон ҳаётининг қўшимча бир қисми, инсон ҳаётини таъмин этиш воситаларидан бири, холос. Инсон ҳаёти аввало унинг маънавий бойлиги, маданий ранг-баранглиги, мафкуравий изчиллиги демакдир. Инсоннинг ҳаёти унинг ўй-фикрлари, воқеликни таҳлил этиш қобилияти, жамиятда адолатли муносабатлар ўрнатиш ва таъмин этишдаги оқиллиги демакдир. Буларнинг ҳаммаси тарихан ташкил топади. Шу асосда миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ўзига хослик, миллий бетакрорлик каби хислатлар пайдо бўлади. Уларнинг барчаси асосида миллий ифтихор туйғуси шаклланади, миллий қиёфа намоён бўлади. Инсонни ҳайвондан ажратиш турадиган нарса унинг онги, борлиқни таҳлил этиш асосида келажакни кўра билишидир. Ҳар бир миллат ва элат ўз тарихи, хислат ва хусусиятлари, анъаналари, тили, урф-одатларига, ўз мусиқаси, ўланлари, рақс ва ўйинларига, ҳазил-мутоибаларига эга. Буларнинг барчасини фақат тил воситасида ифода этиш ва такомиллаштириш мумкин. Тил — миллат, элат, халқ яратган энг катта бойлик. Буларнинг ҳаммасидан техника ва технология бераётган қулайликларни устун қўйиб, улардан воз кечиш, ўз ҳаёт доирасидан чиқариб ташлаш ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайдиган илмий калтабинликдир. Бундай тилшуносларга эътироз сифатида айти-

шимиз мумкинки, истибод тузуми ўтмишда чорак кам бир аср давомида олиб борган миллат ҳамда элатларни аралаштириб, қўшиб юбориш сиёсати ҳеч қандай натижа бермади, биронта ҳам миллат ёки элат бошқаларга қўшилиб, йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, миллат ва элатлар ўзликларини сақлаб қолдилар, тил ва маданиятларини ривожлантирдилар.

Миллат ва элатларнинг ҳозирги фан, техника ва технология таъсирида ишлаб чиқариш жараёни учун қулай тилларни ихтиёрий ва кўнглили равишда ялпи равишда ўзлаштиришлари миллий тиллардан воз кечиш эмас, балки глобаллашув натижасида юзага келган манфаатли вазиятдан фойдаланиб қолишга қаратилган ўткинчи жараён экани шубҳасиз. Албатта, жамият тараққиёти жараёнида барча тилларни тенг даражада ривожлантиришга бўлган уриниш сунъий ва ноўрин ҳаракатдан бошқа нарса эмас. Ҳар бир тилнинг у тилда сўзлашувчиларнинг сони, салмоғи, уюшқоқлиги, ўз тилига бўлган муносабати, лисоний анъаналарига қараб ишлатиш ва фойдаланиш соҳалари аста-секин, табиий равишда, амалиёт жараёнида ўз-ўзидан шаклланади, аниқланади, белгиланади. Тарихий тажриба кўрсатадики, барча тиллар бир хил тарзда тенг даражада ривожлана олмайди. Уларда сўзлашувчиларнинг сони, шунга кўра такомиллашиш имкониятлари ҳам турлича, таъсир доиралари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Тиллар сиёсий жиҳатдан тенг бўлса-да, мулоқот воситаси сифатида улар турли куч ва салоҳиятга эга. Бу объектив омиллардан кўз юмиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳондаги тиллар глобаллашув шароитларида турланади. Бинобарин, энг кенг тарқалган ва ҳозирги замон илмий, назарий, техникавий, технологик терминлар, иборалар, сўз бирикмалари, тушунчалар оламини тўла равишда ўзида қамраб олган инглиз, француз, рус, немис ва испан тиллари жаҳон тиллари даражасига кўтарилди, бошқа тиллар эса вазият, шароит ва амалий талабларга қараб, ўз имкониятларига монанд ижтимоий вазифаларни бажармоқда.

Масаланинг қисқача таҳлилига хулоса ясар эканмиз, айтиш жоизки, жаҳон тарихий тараққиёти жараёнида неча минг тил шаклланган бўлса, шунча тил инсониятга керак. Ҳар бир миллий тил шу миллатнинг ўзлигини ифода этиш воситасидир. Шундай бўлиши учун ота-боболаримиз асрлар давомида курашиб келган ва биз ҳам бу йўлдан оғишмай бормоқдамиз.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
профессор.



Дил орзура ошён бўлди,

Сана.м.жон

Санъаткор ўз асарларида, эҳтимол, гўзаллик, эзгулик ҳақида гапирмас, бироқ санъати орқали инсон қалбида гўзаллик туйғуларини жўштириб, эзгуликка ундаши тайин. Зеро, санъатнинг сеҳрли қудрати ҳам шунда. Ўзига хос халқона кўшиқларию жозибали ижро услуби билан кўшиқ шинавандалари қалбидан чуқур жой олган хушовоз хонанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Қуйида ана шу хонанда билан бўлган суҳбатни журналхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз:

— Тошпўлат ака, бошқа соҳа вакилларини билмадим, бироқ санъаткор бўлиш учун киши, аввало, санъаткор бўлиб туғилиши керак, чамамда. Яъни санъаткорлик бу туғма истеъдод демоқчиман. Лекин истеъдодни рўёбга чиқариш, бу албаттаки, ижтимоий омил — муҳитга боғлиқ. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Саволингизга жавобни узоқдан бошласам. 1960 йилнинг ёз фаслида Оҳангарон водийсининг Қорабалиқ қишлоғида Маткаримовлар оиласида тўнгич фарзанд бўлиб туғилганман. Отам Қаршибой тиббиёт соҳасида ишлаган. Онам раҳматли Лазокат ая уй

бекаси эдилар. Биз фарзандлари тарбияси билан шуғулланганлар. Онам ажойиб ўлан айтиб берардилар. Шунингдек, менинг санъаткор бўлишимда, аввало, оиламиздаги санъатга бўлган қизиқиш, сўнгра, мактабимизда мусиқа таълимига бўлган эътиборнинг кучлилиги сабаб бўлган деб ўйлайман. Шунингдек, нафақат менинг, ҳатто бутун қишлоқ аҳлининг мусиқага бўлган зўр иштиёқини ён атрофимиздаги табиатнинг инсон руҳиятига кўтаринки кайфият бахш этишининг ҳам пайи бор, албатта. Бир томонда Курама тоғ тизмалари, иккинчи томонда Чотқол тоғи, ўртадан Оҳангарон сувларининг шарқираб оқиши, хуллас, бу маскан тоғларида отларнинг дупур-дупурию сўлим гўшаларида какликларнинг сайраши бари кўшилиб, завқиб бир кўшиқнинг турли оҳанглари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, менинг санъаткор бўлишимга асосий сабаб, оиламизнинг санъатга бўлган чексиз муҳаббатю Оҳангарон водийсининг инсон қалбини дарёдек жўштирувчи сўлим табиати десам, хато бўлмайди.

Илк устозим мактабимизнинг мусиқа ўқитувчиси раҳматли Баҳром Сатторов бўладилар. Мактабда бошқа дарсларга кирмай, мусиқа тўғараги машғулотлари ўтказиладиган хона эшиги ортида рубобу аккордеондан таралган куйларни соатлаб завқ билан тинглаган пайтларим кўп бўлган. Ана шундай кунларнинг бирида Баҳром ака Сатторов мендаги мусиқага бўлган қобилият

ни пайқаб, тўгаракка аъзо қилган эдилар. Илгари рубоб чалиб кўшиқ айтиш мен учун бир мўъжиза бўлиб кўринган бўлса, кўп ўтмай, устозимнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳақиқатга айланди. Менинг илк айтган кўшиқларимдан бири Икромжон Бўроновнинг “Она бебаҳо” кўшиғидир. Шундай қилиб, аввал мактаб тадбирларида, сўнгра туман, вилоят миқёсидаги санъат байрамларида кўшиқ айтиб, аста-секин мусиқа оламига кириб кела бошладим.

Ўрта мактабнинг 8-синфини битиргач, Баҳром ака мени Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига етаклаб борди. Мусиқа таълимига оид ҳужжатим йўқлиги сабабли, вокал бўлимига қабул қилиндим. Вокал бўлимида операдан ариялар, яъни хорларда кўшиқ айтиш ўргатиларди. Бу ерда бизга вокалдан Игор Петрович Брезгалов дарс берган.

Мусиқа билим юртини битиргач, мени Алишер Навоий номидаги опера Давлат театрига хор артисти

сифатида ишга юборишди. Бироқ мен билимимни ошириш мақсадида Тошкент Давлат маданият институтининг хор-дирижёрлик бўлимига ўқишга кирдим. Жаҳон мусиқа маданияти, Европа операларидан, хорларидан дарс ўтилди. Институтда гарчи Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби уста санъаткорлар, яъни мумтоз мусикамиздан, шашмақомдан дарс ўтилмасда, миллий кўшиқларни ўзимиз қизиқиб ўрганардик. Ҳозирги кунда эса, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Давлат маданият институти ҳамда бир қатор мусиқа билим юрғларида халқ ижрочилиги, мақомчилиги таълими яхши йўлга қўйилган.

– **Ҳаёт ва ижод икки алоҳида кутблардир, лекин шу билан бирга уларнинг бирини иккинчисидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Аксинча, бири иккинчисини тўлдирди, бойитади. Бир сўз билан айтганда, тақозо этади. Шу маънода, санъатингизга мазмун олиб кирган кўшиқларингизнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.**

– Институтни битиргач, қишлоққа қайтиб, Пскент туманидаги 32-ўрта мактабга ишга кирдим. Кўп ўтмай, яъни 1987 йилда илк албомимни чиқардим. У пайтларда Ботир Зокиров санъатига ҳамда чет эл мусиқасига қизиқиш катта эди. Мен, дастлаб, чет эл мусиқаларига сўз қўйиб, кўшиқ айта бошладим. Бу мен учун тажриба мактаби бўлди.

Илк албомдан жой олган “Ёғаётган ёмғирми, қорми...”, “Ўлдирийин дермисан...” каби кўшиқларда ўз овозимни топишга ҳаракат қилганман. Сўнгра бирин-кетин бошқа кўшиқлар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик, мен халқимизнинг сеvimли шоири раҳматли Муҳаммад Юсуф билан танишдим. Муҳаммад Юсуф шеърияти мен учун ўзга бир олам эди. Ушбу танишувимиз натижаси ўлароқ, шоир сўзи билан айтилаётган “Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан”, “Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин”, шунингдек, “Онам йиғлар”, “Кама-лакмас кўкдаги олтин аргамчи...” кўшиқлар юзага келди. Кунлардан бир кун Муҳаммад Юсуф “Сизга бир шеър ёзиб бераман” деган эдилар. Кўп ўтмай кўлимга бир шеър тутқаздилар. “Оқ тулпорим бор эди” деб бошланадиган шеър. Бу шеърга куй басталаб, клип қилинди. Унда тоғлик инсонларнинг руҳияти акс этгани учун кўпчиликка манзур бўлди ва менга катта олқиш келтирди.

Муҳаммад ака мени композитор Анор Назаров, ёзувчи Эркин Аъзам, шоир Барот Исроил билан таништирди. “Қурама” “Ўлан айтсанг, жўшиб айт...”, “Айнамо...” деб айтилаётган халқона кўшиқлар биз санъаткору адибларнинг фикримиз бир жойдан чиқиб, ўртамазда яратилди. Ундан сўнг “Ўлан айтсам ўланам ҳаволайди-ё” деб, кўшиқ айтдим. Бу ҳам яхши қабул қилинди. Шундай қилиб, шоир, бастакорлар билан танишганим ижодимга катта таъсир қилди.

Шунингдек, менга таниқли шоир Тўра Сулаймон билан танишиш насиб этди. Раҳматли “Ҳеч кимга шеър бермаганман, Сизга бир шеър олиб келдим” деган эдилар. Кўп ўтмай “Бу кеч ой ботмасайди” деган кўшигимиз пайдо бўлди.

Бу орада Азим Суюн билан танишдим. Азим аканинг “Келинчагим”, “Эрка гул” шеърига куй бас-

талаган кўшиқларим бор.

Шоир Маҳмуд Тоирнинг “Элнинг элагидан ўтганлар айтсин” шеъри кўшиқ қилинди. “Меҳмон келса қадамига тўкилгани ҳавас бўлсин” деган кўшиқ айтилди. Булар ижодимнинг муҳим қирраси ҳисобланади. Ҳар бир кўшигимнинг ўз ҳаёти, тақдири бор.

– **Қайси устоз санъаткорлар ижодингизда чуқур из қолдирган деб ўйлайсиз?**

– Болалигимиздан Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Отажон Худойшукуров каби санъат даргаларининг кўшиқларини эшитиб улғайдик. Ўйлайманки, уларнинг ҳар бири, қайсидир жиҳатдан, мен учун устоз ҳисобланади. Яъни қай бир санъаткордан саҳнада ўзни тутишни ўрганган бўлсам, бошқа бир санъаткордан тор чертиш, сўз талаффузи ёки шеър танлашни ўрганганман.

– **Ҳар қандай санъаткор ҳам, дастлаб, ўз овози, ўз услуби, хуллас, ўзлигини топгунга қадар, кимларгадир тақлид қилади. Бу – табиий ҳол. Бироқ ҳақиқий санъаткорлар, охир-оқибат, санъатда ўз урнини топиш учун тинмай изланишда бўлишади. Бу осон иш эмас, албатта. Айтинг-чи, сизда бу жараён қандай кечди?**

– Мен кўшиқ айтишни, дастлаб, қишлоғимдан бошлаганман. Тингловчига нима ёқиб, нима ёқмаслигини ўша даврдан англай бошлаганман. Сўнгра туман, вилоят ва ниҳоят республикамизда қандай кўшиқларга эҳтиёж борлигини кашф эта бошладим. Бу санъаткор учун жуда муҳим. Хуллас, шуни билдимки, халқимизнинг ўзи ёқтирган оҳанглар бор. Улар устида бош қотириб, халққа мослаб кўшиқ айтишга интилдим. Бу ишда менга жуда катта кўмак берган Ўзбекистон санъат арбоби, композитор Анор Назаров ҳамда шоир Барот Исроил бўлди.

Маълумки, мустақилликдан кейин, яъни 1991 йилдан бошлаб, ҳукуратимиз томонидан халқ ижодиётига катта эътибор қаратилди. Республикаимизнинг турли вилоятга туманларида яшовчи: кексами, ёшми ёки ўғилми, қизми қаердадир ярқ этган санъаткор бўлса, Наврўз байрамида иштирок этиб, катта майдонда ўз санъатини намойиш этиш имкониятига эга бўлди. Бу халқ ижодиёти йўлидаги биз санъаткорларга кенг йўл очиб берди. Шу жумладан, мен ҳам 1993 йилда “Айнамо” деган халқ йўлидаги кўшигим билан ўртага чиқдим. “Айнамо” дегани бизнинг воҳа шеvasида “айланай” маъносини билдиради. Илгари телевидение, радиода бунақа кўшиқларга рухсат берилмасди. Айнан шу даврдан бошлаб, биз миллий кўшиқчилик имкониятлари йўлида жиддий ижод қила бошладик.

Халқ ижодиёти, миллий мусиқа ва қадриятларимиз тикланиши, бу барчаси, Оллоҳнинг марҳамати. Агар ҳукуратимиз томонидан халқ ижодиёти, санъати, кўшиқчилигига эътибор қаратилмаганда эди, эҳтимол, мен қаердадир, кимларнингдир соясида юрган бўлардим. Айнан шу сабабларга кўра мен ўз сўзимни, кўшигимни топа олдим.

Шермурод СУБҲОН
гурунглашиди

БИЛИМЛИ ВА НАЗОКАТЛИ

2001 йилнинг кўклами. Мен ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти докторантурасини тугатиб, мудом институт остонасини «ялаб» юрган пайтларим. Кунлардан бир кун устоз Қосимжон Содиқов ёнига чақиртириб, нима иш билан шуғулланаётганим тўғрисида қизиқди (Ўшанда домла Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Туркиёт кафедраси мудири эди). Қосимжон ака мени обдон тинглагач, докторантликда тайинли бир иш қилмаганимга ишора қилди шекилли, — “Тил ва адабиёт институтида умрингни бекорга ўтказиб юраверасанми? Яхшиси, мен ишлаётган институтга кел, ҳам дарс берасан, ҳам илмий ишингни ёзасан”, — деди. Яна: “Ҳозирги кунда аспирантура ёки докторантурада иш қилмай, ўз ҳолича юрган тадқиқотчидан кўра, домланинг ёнида ишлаб, мустақил изланиш олиб бораётган кишидан бирор иш кутиш мумкин”, — деб қўшиб қўйди.

Ўша йилнинг сентябридан институтда иш бошладим. Янги жамоада иш бошлаган куним қорачадан келган, истарали, мулоим, юзидан самиймийлик ёғилиб турадиган аёл Ҳазифахон Исломжонова билан танишдим. Ҳазифа опа яқиндагина докторлик диссертациясини ёқлаб, мен сингари кафедрага янги келган экан. Шу кундан бошлаб, орамизда илиқлик туғилди. Кафедрода соғлом ва ижодий муҳит яратилган экан. Опа билан икковимиз кафедра муҳитига тезда киришиб кетдик.

2008 йилнинг Наврўз кунлари. Кафедранинг: “Қосимжон Содиқов янги очилаётган Мумтоз филология кафедрасига ишга ўтармиш. Янги кафедранинг илмий ва педагогик салоҳиятини кўтаришга ёрдам берармиш”- деган гап чиқиб қолди. Биз, ўқитувчилар “кимни бизга мудир этиб тайинлашар экан, ҳарқалай, ким бўлса ҳам, жамоани яхши биладиган, илмий ва педагогик жараёнлар қозонида қайнаган киши бўлсинда” деган ўйда эдик.

Бир кун Қосимжон ака менга: “Агар бошқа кафедрага ўтказишса, сени ўрнимга мудирликка тавсия этман. Бу ерда мен бошлаган ишлардан

хабаринг бор, уларни давом эттириш керак. Ўрганиб қолдинг, эплаб кетасан”, - дедилар. Мен эса мудирлик юки оғирлигини билиб, қўлимдан келармикан, деган маънода елка қисдим.

Бу гаплардан Ҳазифахон опа хабар топган шекилли, мени ёнига чақириб, самимий оҳангда: “Қудрат, агар Қосимжон акани бошқа кафедра мудирлигига тайинлашса, Туркиёт кафедраси мудирлигига сизни тавсия қилишадиган бўлишса, иккиланмасдан рози бўлинг. Биз сизни билемиз, кафедранинг бошқариш қўлингиздан келади. Қолаверса, жамоани, муҳитни яхши биласиз, асосийси, кафедранинг ҳозирги илмий ва педагогик йўналишини узилишсиз давом эттира оласиз”, - деди. Ҳазифа опанинг чин юракдан айтган сўзларидан кўнглимдаги ҳадик тарқагандек бўлди. Мудир сифатида иш бошлаганимдан сўнг ҳам опа менинг яқин маслакдошим, айрим илмий ва педагогик масалалар бўйича ишончли кенгашчимга айланди.

Опа билим ўрганиб ҳам, ўргатиб ҳам чарчамайди. Ўзим билганларимдан бир ўрнак. Ҳазифа опа, асосан, кафедра елкасидаги тилшунослик йўналишидаги фанлардан рус гуруҳларига дарс ўтади. У киши тилшуносликнинг назарий масалалари бўйича институтдаги етакчи устозлардан. Бироқ кейинги йилларда ўқув юкларидан қисқаргани сабабли, битирувчиларга ўқитиладиган “Турк тилининг назарий грамматикаси” курсини ҳам опага юкладик. Чунки опа ўзидаги кенг қамровли билими билан мазкур курсда бемалол дарс ўта оларди. Лекин Ҳазифа опа ўзгача йўл тутди. Бир йил давомида турк тилининг назарий грамматикаси билан боғлиқ асосий адабиётларни ўрганиб чиққандан кейингина ушбу фанни ўқитишга майл билдирди.

Бугина эмас, талабаларга илмий раҳбарлик борасида ҳам Ҳазифа опадан ўрганадиганларимиз кўп. Опа илмда ворислик, тўғрироғи, ўринбосарлик ниҳоятда муҳим ўрин тутгани, устоз ўзи олиб бораётган тадқиқотларни шогидлар орасига ёя олиши, йўналиши бўйича ўринбосар чи-



қариши кераклиги ҳақида кўп гапирди. Унингча, домла ўз йўналиши бўйича ўринбосар тайёрлай олмас экан, бошлаган ишлари чала қолади. Ҳазифа опа бу масалага ўта жиддий қарагани боис унинг шогирдлари нафақат Шарқшунослик институти, қолаверса, бошқа бир қанча олий ўқув юрларида ҳам талайгина. Қачон қараманг, опа талабалар ёки ўқитувчилар қуршовида. Ундан исталган мавзуда тайинли маслаҳат эшита олишини ҳамма билади.

Ҳазифа опанинг фаол илмий жамоатчилигига оид тагин икки оғиз сўз: оlima 1998 йили Тошкент шаҳри олий ўқув юрлари филолог профессор-ўқитувчиларининг бошини бир ерга қовуштириб, шаҳар филологларининг семинарини тузиш гоёсини илгари сурди. Семинар йиғинларида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги масаласини ҳам ишлаб чиқди. Ўн йилдан ошдики, ушбу семинарни Ҳазифахон опа бошқармоқда. Ушбу семинарнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти шундаки, унда филология фани олдида турган муҳим илмий масалалар кенг жамоатчилик олдида олиб чиқилади ва ечимни изланади, керак бўлса, жўяли илмий-назарий тавсиялар берилди. Энг муҳими, бу илмий семинар кафедранинг қошида иш олиб бораётганидан хурсандимиз.

Муҳтарам Ҳазифахон опа! Кутлуг ёшингиз муборак бўлсин. Сизга мустаҳкам соғлиқ, улкан илмий ва ижодий ютуқлар, фарзандларингиз ҳамда шогирдларингиз камолини кўриб юришингизни тилаймиз.

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Туркиёт кафедрасининг
мудир, филология фанлари
номзоди, доцент

САЙРАМНИНГ САРИН ШАБАҶАЛАРИ

(Мирпўлат Мирзо ижодига бир назар)

Мирпўлат Мирзо — қорачадан келган, ўрта бўй, одамохун, жуда маданиятли инсон. Суҳбати ширин бу одамнинг ҳозиржавоблиги, ҳар қандай вазиятда ўрнини топиб сўз айта олиши, маъноли қочиримлар қилиши яқинларига яхши маълум. Бу зоҳирий сифатлар, холос. Мен Мирпўлат акани кўпроқ шоир сифатида биламан, шунинг учун у кишини ботиний қиёфасини билиш, янада ўзимга яқинлаштириш истагида шеърларини қайта-қайта ўқийман. Ҳақиқий ижодкорнинг асл қиёфаси асарларида акс этади, деган гап бор. Кўп улуг ижодкорларнинг “сўз пинҳонлигини” бежиз айтмаганлар. Шу ўринда ҳассос шоира Зебунисонинг қуйидаги рубоийсини эсладим:

*Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени,
Бутнараст бутдан кечар, кўрса бу шан ичра мени.
Гул ҳиди барғида пинҳон, мен-да сўз ичра ниҳон,
Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин суҳан ичра мени.*

Хўш, Мирпўлат Мирзо “суҳан ичра” қандай экан. “Тонг жилваси” (1975), “Ишқ фасли” (1978), “Яхши кунлар” (1981), “Сунбула” (1985), “Мовий дарё” (1988), “Атиргул ва юлдузлар” (1990), “Онажон” (1993), “Сайланма” (2004), “Сурур” (2009) каби ўнлаб шеърӣ китоблар, “Донишманд Натан” (Лессинг) драмасини таржима қилиб, ўзи ҳам “Қачон тонг отади”, “Юрт меҳри”дек пьесалар ёзган, “Сайра, дўмбирам” (2005) қозоқ адабиётидан, “Сомон йўли чечаклари” (2004), “Ложувард осмон” (2009) номида жаҳон адабиётидан таржима тўпламларини эълон қилган, элга танилган шоирнинг ширин каломлигию оддий сўзларни ҳам теша тегмагандек қўллаши асарларида зуҳр этганмикан?.. Мирпўлат Мирзо шеърӣятига кириб борганингиз сари бунга ишончингиз орта боради. Шоир ижодидаги мавзу кўламининг кенглиги, фикрий теранлик, шоирона руҳда кўнглидаги ҳақиқатни айта олиши эътиборингизни тортади.

Суҳбатлардан бирида шоир ким деган саволга Мирпўлат ака шундай жавоб қилганди: “Асл шоир ҳақиқатгўйдир. У мағрур, бўйин эгмас, жасур қалб эгасидир. Адолатсизликни кўрганда портлаб кетади, хокисорларни кузатиб, ичдан йиғлайди. Уни на зар, на мансаб билан сотиб олиб бўлади. У ўз юриш-туриши, феъл

атвори билан ижтимоий ҳаёт бағрига кириб боради ва кўпинча унинг ўлчови вазифасини ўтайди”. “Овоза” газетаси учун берган интервьюсида бу фикрини давом эттириб: “Мен шоирман. Ўзимни таржимон ҳам, журналист ҳам атай олмайман. Чунки шоирликни барча нарсадан устун кўраман. Ва давраларда, аввало, шоирлигим эътироф этилмаса, ҳамиятим озор чекишини ҳам биламан” дейди. Ҳақиқий шоиргина шоирлиги эътироф этилмаса ранжиши мумкин. Мирпўлат Мирзо ваган ҳақида ёздимми, севги ифторларини қуйлайдимми, мушфиқ онасига меҳрини шеърӣ сатрларида ифодалайдимми, шоирлигини унитмаган ҳолда сўзга муносабатда бўлади. Юрагини шеър олови ёндирга бошлаганда, қўлига қалам тутайди.

Шеърӣят бошқа санъат турлари бермайдиган завқни ҳам, билимни ҳам бериши мумкинлиги биринчи бўлиб иллаган Афлотун ўз истаганини поэзиядан иллагани бежиз эмас. Бунинг учун шоир атрофига рассом кўзи билан боқиши, муҳитни бастакор қўлоғи билан тинглаши ва туйганларини, идрок этганларини юксак шоирона сатрларда гўзал ифодалай олиши зарур. Мирпўлат Мирзонинг яхши шеърларида мана шу унсурлар уйғунлиги ўз аксини топган. Шоир “Чорсу манзаралари” номли ҳажман каттагина шеърӣда уста рассом мозаика тарзида ажиб манзара яратгандек, Ўзбекистоннинг бетакрор табиат неъматларига бойлигини тасвирлайди. Шеър қишнинг тасвири билан бошланса-да,



гўзал ташбеҳлар сизга бошқача руҳ беради:

*Бу йил аяб ўтирмади пойтахтни ҳам қиш,
мавзеларда қиличини ўйнатар аёз...*

Яхмалаклар

ярқираган йўлкалар узра

тиғда юрган дорбозларга ўхшар одамлар:

дарахтлар — оқ булдуруқда,

юксак бинолар

изғиринлар дарёсини кечар саҳарлаб...

“Қор нуқрадек ёнган кўм-кўк тонгда” шоир ёзувчизувдан безиб, одамлар гавжум бозорга юрак чигилини ёзмоққа боради. Одам тафтини одам олади деганларидек, лирик қаҳрамон-шоирнинг одамлар ҳузурга интилишида рамзий маъно бор.

Бозор шаҳарнинг ойнаси деб бекорга айтишмаган, издиҳомдаги шоир кузатувларидан, топқирлик билан айрим кўнглидаги гапларни сатрларга сингдирганидан хушнуд бўласиз:

Кузатаман —

Дунёдаги энг гўзал тилнинг

Бирам бийрон соҳибю соҳибаларин...

Ёки

Кузатаман —

Истеҳзоли зиёлиларни,

“арзон” сўзин луғатлардан ўчириб отган, —

сатрларининг тағмаъносидаги ишорага эътибор қилсангиз, шеърнинг тасвир объекти кенглигини сезасиз. “Кузатаман” сўзи такрорланиб ургу берилишида мазмун ташийди. Шоир Фаргонанинг қарсиллаган хусайнилари, Сурхон воҳасининг хурмою пўртаҳолларини, Ўзбекистон ёзининг “нурларига ийлаб-ийлаб пиширилган қанд” туршакларини — умуман ватанимиз географиясини тотли мевалари орқали кўрсатибгина қўймайди, бу неъматларни шундай гўзал тасвирлайдики, шундай юртда яшаганингиздан гурурланиб кетасиз.

Қаранг:

Қува анорларига —

бўғзигача шарбат билан тўла, лиммо-лим;

Мирзачўлнинг “қирқма”си бу — аямажусда

ёдингизга солар ойдин даштлар файзини...

*Бу растада гуручларнинг минг хил тури бор,
кўриб дейсиз —*

ҳовуч-ҳовуч биллур уюми;

оқ аланга янглиғ ёнган бу инжа хирмон

хоразмча савт янгратар шан давраларда;

Олтиариқ турпларини ким танимайди —

пиёлада музлатилган булоқ суви нақ;

модерн шоир ташбеҳлари эмас

бу ёрқин,

шодалари қалампирин шаддот Кўқоннинг!

Шоир шунчаки таърифлар билан чекланмайди.

У бозор баҳона турфа одамларнинг руҳиятини-хорижлик меҳмондан тортиб, қўллари қадоқ деҳқонларнинг ички дунёсини штрихларда бера олади. Барча кузатувлардан сўнг она диёрга “неъматларнинг учун раҳмат...” дея миннатдорчилик билдираётган лирик қаҳрамон ҳаяжонларини ўқувчига юқтиради.

Мирпўлат Мирзо ижодида ватан мавзуси айрича бир ёниқлик билан ёритилади. Ўтмишдаги қора кунлар ҳасрати, ўзликни англаш машаққати қанчалик изтироб билан айtilса, истиқлолга эришув шунчалик ифтихор билан тараннум қилинади. Ватан олдида хизматлари буюк бўлган аждодлар қисматини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг иззатини жойига қўйиш бизлар учун ҳамиша қарзу фарзлиги алоҳида уқтирилади:

Ёлғиз бизнингдирмас, ахир, бу Ватан,

Наҳот юрагингиз тўймайди титроқ,

Буюк аждодларнинг — қабрда ётган —

Бу замин устида ҳақлари кўпроқ!

Адабиётда ватан мавзуси жуда қадимий ва шу билан бирга ҳамиша янги мавзудир. Чунки ҳар бир ижодкор бу мавзунини ўзича ёритади. Ватан сувратини ўзи ҳис қилганидек чизади. Мирпўлат Мирзо ватаннинг ўтмишию бугунини бирдек авж пардаларда куйлар экан, айниқса, истиқлол мавзусидаги шеърларида шоир руҳи янада жўшиб кетгандек. Эрдан нурафшонлик, ватаннинг озодлигидан гурур туйғуси баралла сас беради.

Мирпўлат Мирзо ижтимоий лирикасининг ўзига хослиги самимий сатрларда, тумтароқликдан узоқ шеърий бандларда юракдаги ватан сийратини очишдир. “Армоним йўқ сен деб ўтларда ёнсам, қалбимда қўшиқсан, танамда жонсан” деган шоир хурликни энг олий неъмат деб билади. Инсон учун фарзанд қанчалик азиз бўлса, халқ учун озодлик ундан-да буюклигини “Истиқлол” шеърда ҳаётини мисол, қиёс орқали чиройли ифодалайди:

Мен учун фарзандим суюкли, бироқ

Сен халққа минг чандон суюкроқдирсан.

Мен болам бахтидан қувонмай ҳар чоқ,

Сен толеи улғ, буюкроқдирсан!

Ватандошларнинг ўз юртига, мустақиллигини асрашга бўлган меҳри зурриёдига бўлган меҳридан кам бўлмаслигини истайди шоир. Оила бошига кулфат тушса, эл ёрдамида яралар тузалар. Ватаннинг, миллатнинг бошига ташвиш тушмасин.


Бошга ғам сояси тушиб турган кез

Чорасиз боқурмиз, гангиб дафъатан.

Ҳолбуки, урвоқча эмас қайғумиз

Сен чеккан ғуссалар олдида, Ватан!

(Давоми 26-27-бетларда)



Мирзакарим Саноқул ўгли Норбеков — психология, педагогика фанлари доктори, тиббиёт фани фалсафаси доктори, профессор, Россия ва хориж давлатлари академияларининг ҳақиқий ва мухбир аъзоси, кўпгина ихтиро ва кашфиётлар муаллифи. Шунингдек, спортнинг икки тури бўйича қора белбоғ соҳиби (шахсий биринчилик бўйича).

6 нафар фарзанд ва 9 асранди болани тарбиялаб, вояга етказган меҳрибон ота ҳамда бугунги кунда дунёдаги энг бой мултимиллионерлардан бири ҳисобланади.

Мирзакарим Норбеков мактаби 30 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб, 600 дан зиёд шогирдлар тайёрлади. Россиялик 242 миллионер ўзларини Мирзакарим Норбековнинг шогирдлари деб ҳисоблайдилар.

М. Норбеков касалликка чалинганю матонат билан енгиб ўтгани, чеккан изтироблари, доимо имконсизликдан имкон топа олгани, бахтсизликдан Бахт яратгани қизиқишимни орттирарди.

У кишининг «Саломатлик калити еҳуд кўзойнаксиз ҳаёт сари» китоби кўлимга тушганида хазина топгандек хурсанд бўлганлигимнинг боиси шунда. Саҳифалар ортда қолгани сайин руҳиятим кўтарилиб, юзимда табассум балқирди. Ундан кейин эса овозим баландроқ чиқа бошлади, ўзимга ишончим янада ортди. Вужудимда аллақачонлардан бери ҳис қиладиганим гайритаббий кучнинг мен билан бирга яшаётганлигини англадим. Ойлаб айта олмай юрадиган сўзларимни баралла айта бошладим, худди шундай қила олмай юрган ишларимга ҳам журъатим етадиган бўлди. Ичкаридан катта куч вулқонга ўхшаб отилиб чиқаётганди. Унинг йўлини бекитиш учун кўяётган сохта

САЛОМАТЛИКНИНГ СИРИ – ЮРАГИНГИЗДА

тўсиқларим кор қилмай қолди.

Ишонсангиз, ҳозир ҳам қанотим бўлса учиб кетадиган алфозда юрибман. Юзимдан табассум аримайди, йўқламай кўйган танишларимни йўқлайман. Кези келса ўзимни бироз жинниликка ҳам соламан. Нега?

Хаста, бахтсиз ва салкам ўлик бўлгандан кўра, бир оз телба, лекин бахтли ва соғлом бўлган яхши. Бу ҳикматни ўзим ўйлаб топдим, деб ёзди муаллиф китобиди.

Бундан роса 20 йил илгари Мирзакарим Норбековнинг берган интервьюсини ўқиб қолдим. — 29 ёшли қиз 6 ёшида кўр бўлиб қолган экан, инвалидга чиқариб қўйишганди. Унинг кўзларини оча олдим, — дейди у. — 26 ёшли йигитнинг қулоқларини очдим, у 5 ёшидан қар бўлиб, гапириши ҳам қийин эди. Уч сеансдан кейиноқ бирданига дунё шовқинини эшитдим. Бош оғригини тўхтатишга уч секунд, уйқу-сизликни даволашга 3-4 сеанс кифоя. Қон босимини ҳар сеансда 10-20 тага тушириш мумкин, батамом даволаш учун 20 та сеанс керак. Болалардаги пешоблаб қўйиш, тутқаноқнинг баъзи турлари, асаб касалликларини, яра-чақаларни даволаш анча осон, улар таъсирга тез тушади...

Мирзакарим Норбеков ким ўзи?! Келинг, туйғуларимни озгина тарошлаб турайдим, сизни таништириб қўяй. Мирзакарим Саноқул ўгли Норбеков — руҳшунослик, педагогика, тиббиёт фалсафаси бўйича докторлик унвонини олган таниқли профессор, қатор ихтироларнинг патент соҳиби.

Тиббиётдаги ноанъанавий соғломлаштириш дастури (машғулотлари) нафақат Марказий Осиё, балки Россия, АҚШ, Австрия, Англия, Болгария, Сербия, Венгрия ва бошқа хорижий давлатларда ҳам катта муваффақиятлар билан қўлланилмоқда.

У кишининг соғломлаштириш услуби ёрдамида сиз кўз касалликлари (астигматизм, яқин-узқоқни кўра олмаслик, катаракта), қон томирлари варикози, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиги, кўз ва қулоқ асабларининг невритлари, ички аъзо хасталиклари, ошқозон-ичак хасталиги, ўпка-нафас олиш системаси, модда алмашинуви, умуртқа погонаси,

гинекологик, урологик, аллергик, тери хасталиклари, астма, қандли диабет, экземалар, энурез, импотенция, простатит, гипертония, гипотония ва бошқа бир қатор хасталиклардан фориғ бўласиз.

Табийки, ҳеч бир қобилият «осмондан тушмайди». Бу наслдан-наслга ўтиши баробарида кишидан тинимсиз изланиш, меҳнат ва сабр талаб қилади. Ўз ўрнида кузатувчанлик, ҳаётдан сабоқ чиқара олиш, ўз-ўзидан ички қувватини уйғотиб, илгари юра олиш қобилияти ҳеч қачон сўниб қолмаслиги керак. Аслида Мирзакарим Норбековнинг ота-боболарида ана шундай қобилият бўлган. Айтишларича, тоғаси халқ орасида Девона тоға деган ном чиқарган. Биоэнергияси ҳаддан зиёд кучли бўлгани учундир, қизиб кетганиданми, ҳатто қиш кезлари ялангоёқ юрган экан. Одамлар уни ўликни тириктириб юборадиган авлиё деб билишган. Ўратепа яқинидаги Хўжамскин қишлоғида у кишининг қабри ҳамон сақланиб туради. Шунингдек, бетиним шуғулланиб, қобилиятини ошириш, маҳоратини ўстиришда устозининг хизматлари катта бўлган. Андижонлик устози — Саидмуҳаммад Ҳасан 112 ёшларида вафот этган. «Беморларга шифо бахш этишда ҳаммани тенг кўришни, асло-асло таъмағирлик қилмасликни, авваламбор энг муҳтож, бечораҳол кишиларга мадад беришни, одамлар хизматида фидойи бўлишни шу устозим ўргатганлар, у кишининг фотиҳасини олганман», — дея кўп хотирлайди М. Норбеков.

Бошқаларнинг эришган муваффақиятларини айтиб ўтиш ёки ёзиш у қадар кўп куч ёки маҳорат талаб қилмас. Аммо ўша ютуқларни қўлга киритгунча қанча машаққатлар бошдан кечирилганлигини унутмаслик керак.

Аслида Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилиб, вояга етган ва бугунги кунда жаҳонга танилган. М.Норбековда мужассамлашган истеъдодларни санайлик: рассом, бастакор, ёзувчи, кинорежиссёр, артист, спортчи, мураббий, каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби. Узок ўтмишдан мерос бўлиб келётган сўфийлик табобати ва амалиёти бўйича мутахассис.

Энди мен сизга битта нарсани

ишонч билан айта оламан, менинг кўлимдан ҳамма нарса келади. Аллақандай мўъжиза содир бўлишини кутиб ўтирмайман, “нимадир”ни кашф қила олмаётганлигим ҳақида соатлаб ўй суриб вақтимни йўқотмайман. Ўтаётган ҳар бир лаҳза менга севинч бағишлайди. Сонияларни мамнуният билан кутиб олиб, мамнуният билан кузатаман. Улар ҳам менга илтифот кўрсатишади. Муҳими, Худо берган умримни мазмунли ўтказишнигина эмас, бошқаларнинг ҳаёти ҳам унумли бўлишига кўмакдош бўла оламан. Уларга ҳам севинч бағишлайман. Яширмай айтаман, болалигимдан бери қидириб юрадиган “нимадир”имни Мирзакарим Норбековнинг “Саломатлик калити ёхуд кўзойнақсиз ҳаёт сари” китобидан топдим. Бўлди, энди менга кимнингдир доимий туртки бериши керак эмас.

Эндиликда одамлар ойлаб қиладиган ишларни бир ҳафтада бажариб, саналарча вақт сарфлаб эришадиган муваффақиятларини бир неча ой орасида қўлга кирита олишимга ишонаман. Ҳа, айтганча, менга қарши айтилган ҳақ-ноҳақ сўзларнинг фойдасини ҳам тушуниб етдим. Улар менга октава ва зифасини бажарган экан. М.Норбековнинг мазкур китоби ҳам ҳаётнинг янги бир погонасига кўтариб кўяди. Бу, албатта, давом этишига ишончим комил. Яна мақтанай, энг яқин дўстларим ҳам кўз тегмасин, сизда яхши томонга ўзгариш катта, дея эътироф этишяп-ти. Аммо бунинг сирини ҳали билишмайди, сиз ҳам айтиб қўйманг.

Мирзакарим Норбеков насиҳатлари:

1. Беморларга:

Шифокорлар сизга қандай ташхис қўйганлигидан қатъи назар, сиз кўрқманг, чин ихлос билан ўзингизга ишонинг, сиз бу хасталикни енгасиз.

2. Болалари тарбиясининг жавобгарлигини бувилар зиммасига юклаганларга:

Тезлик билан бу амалдан қайтиш керак.

3. Ёлғиз фарзандли оилаларга:

Иккинчи фарзандни бунёд этиш тўғрисида ўйлаш керак.

4. Камбағаллик касалига дучор бўлганларга:

Ҳаётдан нолишга барҳам бериб, зийраклик билан даромад топиб, турмуш тарзини яхшилашга интилиш керак.

5. Катта маблағ эгаларига:

Оқилона ҳаёт кечиринг. Доимо эсда тутинг! “Қачон сенда пул бўлса, сен пулни бошқарасан. Агар пулинг кўп ва беҳисоб бўлса, пулинг сени бошқаради”.

Азиз НОРҚУЛОВ

КАШФИЁТ СИРИ

Илм! У инсонни, даврни, оламни, сайёрани ўзгартиришга қодир. Мария Складовская Кюри ва Пьер Кюрилар яратган полоний ва радий элементлари атомнинг бўлинмаслигини инкор этди. Улар бу кашфиётлари инсониятни даҳшатга соладиган чексиз-чегарасиз бало-офатларга сабабчи бўлишини даставвал билмаган эдилар.

ҒАЙРАТЛИ БҮЛ!

Сен қаноатни бойлик деб билган фариштасан, сен сабрнинг тагида олтин борлигига ишониб яшайсан. Бироқ умр қисқа — тез оқар дарё. Ҳаракатда баракат борлигини, Аллоҳ ҳам ғайратли бандаларини суйишини унутма.

СЕҲРЛИ СҮЗ...

“Ассалому алайкум”... Бу сўзда сеҳр бор. Ҳаттоки кимсасиз уйга кириб ҳам шу сўзни айт. Олдиндан безрайиб ўтиб кетган кимсадан хафа бўлма. Иложи бўлса, ундан ҳам шу сўзни дариг тутма. Жавобсиз қолган саломингга фаришталар алик оладилар.

БОЛАНИНГ КҮНГЛИ...

Баҳор — дилларни яйратиб юборадиган фасл. Айниқса, қувноқ болакайларни, ўқувчиларни кузатиб хушнуд бўласиз. Улар “ассалому алайкум” дея аввал бирин-кетин, кейин биргаликда жўровоз бўлиб саломлашадилар. Мен ҳам ҳар бирига “во алайкум ассалом” дея жавоб бераман. Улар бундан руҳланадилар, шекилли, қўлларидаги гулларни менга тутқизишади... Мен эса уларни гулга, чаманга, гулшанга, бўстонга айланинлар, дея алқайман...

ОРТИҚЧА МАНМАНЛИК

Ҳаётлик давримизда омадсизлик, муваффақиятсизлик каби синовлар борлигини унутмайлик. Ахир “хом сут эмган бандамиз” — адашиш, янглишиш, жаҳл устида ақлга зид иш юритишдан ҳам холи эмасмиз. Бироқ бу билан хатони тузатишдан бош тортиш, “сўзидан қайтган номарднинг иши” деб кўкрак кериб юриш — ортиқча манманлик, инсонлик сарҳадидан узоқлашиш эмасми?!

ҚАЛБИНГИЗ ҲАМ ГҶЗАЛ БҶЛСИН

Гўзаллар, гўзаллар... Ғайратли ва соғ-саломат юрган инсон гўзаллиги ҳар недан ортиқлигини биласизми?

Агар хагги-ҳаракатингиз эзгулик йўлида бўлса дилингиз равшан тор-





тади. Зеро, қалби нурга макон бўлганнинг йўллари чарогондур.

МУЛОҲАЗА, ФИКР...

Ҳаддан зиёд билимлиман, дея керилма, сендан ўзадиганлар топилади. Ҳадсиз куч-имконга эгаман, дея ҳаволанма, қанотинг қайрилади. Мендан гўзал кимсани тополмайсиз, дея эркалик қилма — бу дунёда гўзаллар кў-ў-ўп...

**КЎТАРИЛИШ ОФИР,
ТУШМОҚ ОСОН...**

Билим олиш заҳматидан йироқлашдингми, у ҳам сендан юз ўтиради. Ахир чўққига чиқмоқ машаққатлар эвазига бўлади. Зинага кўтарилишдан кўра тушмоқ осон эканлигини яхши бил. Ёдингда тутгилки, обрў, нуфуз мисқоллаб йиғилади-ю, ботмонлаб йўқотилади...

У ИЗЛАГАН БАХТ

У шуҳратли инсон эди. Шуҳрати жаҳонни тутди. Кунлардан бир кун Ватанни тарк этди, хорижда яшай бошлади. Ватандошлар уни аста-секин унутишди. Бир куни Ватансиз яшамоқ бамисоли етимликка бўйсунмиш эканлигини англаб етди... Тугилган тупроғини кўзига тўтиё қилишга чоғланди. Ватан унинг хайрли ишига монелик қилмади. Охиروқибат муқаддас тупроқнинг заррасига айланишдан ортиқ бахт топа олмади...

**КЎНГИЛ ҒАШЛИГИНИНГ
БОИСИ**

Раҳматли амма бувимнинг боболари қози ўтган экан. Шунданми, кампирлар уйдаги можаролари ечимини ҳал этиш учун келиб туришгани гувоҳи бўлганман. Бир куни маҳалладош дугоналаридан бири ундан қизини келинликка сўраётган бир хонадонни айтиб қолди: “бошим қотди, негадир юрагим ғаш”, — деди маслаҳат сўраб, “Кўнглинг нимага ғаш эканлигини айтайми? — дедилар бувимлар, — у фалон пайтда ўғри деган хунук ном олганлар оиласидан экан. Бу иллат ҳам етти авлод оша давом этар эмиш, ўйлаб, бош қотиришингга арзимайди”...

ТУЗАЛМАС ХАТО

Қиз ва йигит чорва молларини боқиб юриб, бир-бирига яқин бўлиб қолишди. Айниқса, йигит қизни кўрмаса туrolмас даражага келди. Бироқ қизни бадавлат хонадонга келинликка сўрашди, фотиҳа қилишди... Қиз сўнгги марта сиги-

рини боқишга чиқди. Энди у фотиҳали қиз — бўлғуси келин.

Уни кутиб турган йигит: “Нега тўйга розилик бердинг, мени нега ўйламадинг”, — деди. Қиз: “Сенга қачон ваъда бергандим, шундай бўлиб қолди”, — дея жавоб қилди. Йигит: “Йўқ, сен уларнинг мол-дунёсига учгансан, муҳаббатимни ерга урдинг”, — дея қўлини силтаб, итариб юборди...

Қиз жарликка қулади. Фоже шулки, қиз шу жойда ҳаёт билан видолашди...

Тузалмас хатолар... Ҳаётнинг ҳар бир они имтиҳон, англаб бўлмас сир экан.

УНУТИЛГАН ГУЛ

Қуриган, ҳиди йўқ, унутилган гул. Сен аввал боғбоннинг меҳрини қозондинг, заминнинг тафти билан улғайдинг — боғдаги гулларнинг энг сараси бўлдинг.

Узилдинг, туҳфалар учун, висол учун... Қаршингда гўзаллигинг, нафислигингни қузатган кўзлар қувончи, ҳаяжони... Сен бу кечинмаларни абадий деб ўйловдингми, ҳилларингни мамнунлик билан таратдинг.

Бироқ шундайлар борки, улар наинки гулга, балки қалбга, дунёга ҳам беписанд бўладилар. Сен ўшандай лоқайд кимсанинг кўлида саргайиб, адо бўлдинг...

ҚАТРАЛАР

Илмнинг ҳам фойдалисини танламоқ керак.

Фурсатинг — имконинг олтиндан қиммат.

Ёшлиқ — навқирон давр. У яшнайди, қувнайди, фақат кейинги фасллар учун зина эканлигини унутмаса бўлгани.

Қизгина, сен шундай оқила, идрокли бўлгинки, буни сўзсиз англаб етсинлар.

Онани эъзозлаган юртда фазилат ва хислат мўл. Она қалбидаги меҳр неларга қодир? У ўз ҳиссиётини фарзандидан, юртдан орттириб қайга борарди?!

Яратганимиз ўзидан кейинги дўст деб ота-онани сайлади. Уларнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам шу боисдан табиийдир.

Дунёни катта саҳна деб билган мутафаккир Шекспир ҳар бир одамни ўз ролини бажарувчи санъаткорга қиёслаганда ҳақ эди.

Насиба ОЧИЛОВА

Ўзбекистон спорт

Бухоро вилоят Роҳитан тумани
Бағдий гимнастика маркази
хаётидан лавҳалар





САЙРАМНИНГ САРИН ШАБАҶАЛАРИ

(Боши 19-20 бетларда.)

Мана шу ҳолатда, яъни ватан шани ҳақида сўз кетганда, биз ўзлимиздан халқ, миллат, ватан манфаатини юксак қўя олишимиз даркор. Ана шунда билинади юртга меҳр. Ҳар бир одам ўзининг омонлигидан кўра ватан омонлигини устун қўйиши керак. Чунки, халқ бекорга “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, демаган.

Мирпўлат Мирзо ижодида она образи алоҳида ўрин тутди. Бу шеърларда қир-адирдан бойчечаклар териб, онасига олиб югураётган боланинг кўзидаги қувонч, талабалик йиллари имкон бўлиши билан онаси бағрига учаётган ўсмир соғинчлари, вояга етганда гоҳида ишлар билан андормон бўлиб, истаган вақтида узоқдаги онасини кўришга боролмаслик ўқинчи сатрларга шунчалар сингиб кетганки, бу ажиб сезимлар лирик қаҳрамон қалбидан сизнинг дилингизга кечганини сезмай ҳам қоласиз. Шу мавзудаги шеърларини алоҳида тўплам қилгани-да бежизга эмас. Онасини эсламаган кунни кун демаган, умр мазмунини ватанга, ота-онага садоқатда кўрган шоиргина она ҳақида ўта таъсирли сатрлар битиши мумкин. “Онажон” туркумидаги шеърларнинг ўзига хослиги шоир кўнглидаги ўйларини рўйи-рост айтиши, фақат мақтовлар эмас, эътиборсиз бўлган вақтларнинг аламини ич-ичдан ҳис қилишда:

*Бу кун рўзгорим гарчи йироқда —
Сизга ичкаман, ғамингиз ейман.
Ва гўр йилларимни тутиб сўроққа
Ўзимни тергайман, сўнгисиз койийман.*

*Ахир, нега ғаму дардларингизни
Бағрингизда юрган кезлар билмадим?
Хок-пойингиз бўлиб, о, нега сизни
Бошга кўтармадим, эъзоз қилмадим?*

Бу тирикликда қадрига етмаганларимиз борасида надомат чекишнинг нидоси эмасми? Кечроқ очилганинг жазоси эмасми? Кундалик ташвиш дея, ота-она ҳурматини ўринлата олмаётганлар йўқми? Шоир самимийлиги мисраларига кўчгани учун ҳам бу туркум шеърлар ҳиссиётларга тўлиқ, таъсирчан.

Онам мени ўйлаб ғам чекмасин дея, ўз-ўзини тафтиш қилиш нақадар ажойиб:

*Эзгуликни дерман мен энди минбад,
Феълимда каж хислат токи йўқ бўлсин,*

*Ғам — малол чекмасин ҳеч қачон мен деб,
Токи онам кўнгли мендан тўқ бўлсин.*

Қанийди онанинг кўнгли учун фарзандлар ўзларини қусурлардан ҳоли қилса, турли нопокликлардан тийилиб олижанобликни касб этса. Шоир она номи билан боғлиқ юртини-да, тилини-да шу даражада эъзозлайдики, “Юртим, элим, тилим демас бўлсам мен, о, арзир-яшашдан кўра ўлсам мен!” — дея ёзади. Она ватанми, туққан онами, она тилими — бу тушунчалардаги умумийлик меҳрда, муҳаббатда. Шоир она тили ҳақида, уни сақлаш, эъзозлаш ҳақида ҳазрат Навоий тилидан шундай дейди:

*Таваллуд кунимда таъзимлар ҳаргиз —
Мен учун на орзу, на буюк ҳавас.
Сиздан илтимосим шу эрур ёлғиз:
Тилимизни асраб қололсангиз, бас!*

Алишер Навоий шахсиятига мос, ниҳоятда топиб айтилган сўзлар, чунки тил сақланса, миллат ўлмайди. Шоир миллатнинг миллатлиги унинг ўз қадриятларини асрашида, авлодлар узвийлигини давом эттиришидалигини яхши англаганидан ўтли сатрлар тиза олган. Шоир наздида она эзгулик маскани, кўнглимиз Маккасиدير.

Шеърнинг гўзаллиги бадий санъатларга бойлигида. Нафис ташбеҳлару ўринли қиёслар, коса тагида нимкоса ишораларни бера олишида. Мирпўлат Мирзо ижодида бадий жиҳатдан юқорилиги билан ажралиб турадиган шеърлар анчагина:

*Юлдузларда ҳавас уйғотиб,
Сочларини ёяр настарин.
Қора шойи еллар қаноти
Олиб келар сурнай сасларин.*

Ёки:

*Қора, оппоқ шохчаларда
Гўзал қишнинг нашъаси бор.
Ҳазин кузни дафн этмоқда
Биринчи қор, биринчи қор!*

Яна “Шамоллар поезднинг тарар ёлини”, “Бир даста нур-Баҳор исмлики”, “Бу кун хаёл сураб ғамгин аёл-Куз”, “Рухим мўрт қоядай тўғралиб кетди”, “Инсоф ва диёнат юртнинг тилласи”, “Чақ-

моқмас у, титрама юрак, тун боғларни суратга олар!”, “Тонг бетидан қочган эди қон” каби жозибали мисралар битган Мирпўлат Мирзо табиатга доир бадиий компонентлар топгани ҳолда уни инсоний туйғулар билан уйғунлаштириб юборади. Айни пайтда табиатдаги, жонзотлардаги хусусиятларни бошқача кўчимга ўтказиб, янгича мазмун беради:

**Тулқини ёзмағиз “Қизил китоб”га,
Ким у — саноғини ташвиш-ла — битган!?
Уларни қайтадан олинг ҳисобга,
Кўпи одамларга айлаиб кетган.**

Сўнги мисрадаги бадиий юк қанчалик залворли. Шоир фикридаги тағмаёно ортиқча изоҳсиз ҳам англашилади ва мана шундай топқирликдан шавқ туясиз. Бунингдек, юмористик асарлар Мирпўлат Мирзо ижодида унча кўп эмас. Лекин айрим кичик-кичик шеърлари нозик қочиримларга бойлиги, фалсафий фикрларни юмор пардасига ўраб бериши билан ажралиб туради.

Шоирнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодига бағишланган мухассамлари Мирпўлат Мирзо аруз вазнида ҳам қийналмай қалам сура олишидан далолат.

Муҳаббат ҳақида шеър битмаган шоир шоирми? Зотан кўнгилдаги кенг маънодаги муҳаббат туйғуси, қобикқа сифмас ҳиссиётлар пўртанаси оддий инсонни шоирга айлантурса керак. Илк муҳаббатнинг туганмас дардию биринчи севги изҳор қайси дилни ўртамаган дейсиз:

**Қани ўша ҳислар қуюни?
Қани ўша “туганмас” дардим?!
Ўз-ўзимга ғариб туюлиб,
Илк муҳаббат, сени ахтардим...**

Шоир севгисиз инсонни қуриган дарахтга қиёслар экан, “севги бер ҳаёт, бебаҳра айлама ишқ деган бахтдан” дея илгижо қилади. Мирпўлат Мирзо ижодининг ёрқин қирраларидан бири унинг моҳир таржимонлигидир. Жаҳон адабиётининг сара асарларини она тилига таржима қилиб, ўзбек китобхони маънавиятини янада бойитишга ҳисса қўшишнинг ўзи таҳсинга лойиқ иш. Бадиий асар таржимасининг нақадар машаққатли жараён эканлигини, бу соҳага қўл урган ҳар бир ижодкор яхши билади. Мирпўлат Мирзо таржимон сифатини муаллиф олдидаги, китобхон олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда бу соҳага ёндошадиким, бу борада муваффақиятга эришади. Бир таржимон дўсти “Б. Пастернак шеърларини ўзбек тилига ўгириб бўлмади” — деганида “Наҳотки?!” дея ишга киришган шоир шундай ёзганди: “Таржима жараёнида билдимки, дўстимнинг гапида жон бор экан. Лекин мен осонликча таслим бўладиганлардан эмасдим. Шу боис жазмимда давом этдим. Ишонасизми, ўша улуг шо-

ирнинг битта шеърини таржима қилиш учун бутун бир таътил вақтимни сарфлаганман. Ўшанда, кунига бир сатрдан таржима қилган эдим”. Қирқ кунча вақтини бир шеър таржимасига бағишлаш учун қанчалар матонат керак. Бу ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди. Мирпўлат Мирзо таржималарининг муваффақияти замирида улкан ижодий меҳнат ётганлигида. Мирпўлат Мирзонинг таржимонлик фаолияти алоҳида тадқиқот мавзусидир.

“Мирпўлат Мирзо серқирра истеъдод соҳиби: у халқ дарди, орзу — армонлари, бахту қувончини куюнчак ва фидойи бир фарзанд ўлароқ ёниқ илҳом билан қаламга олиб келаётган, Ватан, истиқлол, халқ, миллат, меҳр-оқибат, севги-садоқат, дўстлик, она, иймон-эътиқод мавзулардаги гўзал шеърлари билан эл меҳрини қозонган: жаҳон сўз санъати намояндalари, турли халқлар адабиётлари забардаст вакиллари кўплаб дурдона асарлари таржимаси орқали Ватан адабиёти хазинасини бойитган моҳир мутаржим”. Адабиётшунос Эргаш Очиловнинг бу фикрлари бизнинг юқорида келтирилган қарашларимизга уйғунлигини таъкидлаган ҳолда, Мирпўлат Мирзо ижодига адабий танқидчиликнинг эътиборидан ва эътирофидан далолат.

Яхши шеър ақлу шуур маҳсули бўлиб, туйғулар тўфони илҳом осмонига кўтарилган оний лаҳзаларда туғилади. Илҳом эҳтироси қанчалар юқори бўлса, шеърда шунчалар кўнгилдан кўнгилга кўчгучи бўлиб яралса керак. Мирпўлат Мирзонинг кўплаб шеърлари мана шундай дилдан ёруғ ҳислар элтувчи шеърлардир.

**Она юртим, сенинг бахтинг деб
Мен қўлимга олганман қалам.
Кошки ўтли сатрлар битиб,
Аритолсам кўксингдан алам.
Лекин битта қўшиқ армони
Куйдиради мудом дилимни.**

Назаримда, Мирпўлат Мирзонинг “битта қўшиқ армони” ушалгандек. Бу унинг сатрларига сингиб кетган юртсеварлик туйғуси, собиқ шўролар даврида ҳам рамзларга ўраб замондошларининг кўнгилдаги гапларни шеърларида юксак бадиий ифодасини бера олгани, ўтиб кетган улугларимизнинг ҳурматини жойига қўйиб, истиқлол шарофатини баравж куйлашида. Ватаннинг нурли келажагига ишонча боқишида. Сайрамнинг сарин шабадалари инсон танига қанчалик ҳузур бағишлаганидек, Мирпўлат Мирзодан кўнглимизга ҳузур бағишловчи асарлар кутишга ҳақлимиз. Чунки умрини шеърятга нисор этган шоирнинг бугунга (60 ёшига) қадар ёзганлари китобхонга шу ҳуқуқни беради.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Адабиётшунос, ЎЗМУ доценти**

Пул билетларини технологик ва физикавий-кимёвий ҳимоялаш даражаларини қалбакилаштиришнинг бир қатор усуллари мавжуд.

Уларга қуйидагилар киради: қоғоз ва бўёқларнинг композицион таркибини қалбакилаштириш усуллари, рангли шойи толаларини қалбакилаштириш усуллари, сув белгилари ва ҳимоя ипларини қалбакилаштириш усуллари, кинеграммалар, голограммалар ва ҳимоя плашкалари (конфеттилар)ни қалбакилаштириш усуллари.

Ҳақиқий пул белгиларини ясашда фойдаланиладиган эмиссион қоғозлар фойдаланишнинг юқори хусусиятларига эга, яъни узоқ вақт фойдаланишга мўлжалланган. У мустаҳкам, букиш, йиртишга чидамли бўлиши, деярли мингта букишга бардошли бўлиши, шаффоф бўлмаслиги, бўёқни яхши қабул қилиши керак. Эмиссион қоғоз қоғоз ясаш машинасида сувдаги толали материалларга муайян қўшимчалар қўшиб ҳосил қилинадиган суюқ массадан махсус технология ёрдамида тайёрланади. Толали материаллар сифатида пахта ва каноп толаларидан фойдаланилади. Бундай қоғозни тегишли ускуналардан фойдаланмай туриб ясаш деярли мумкин эмас.

Шу боис қалбаки пул ясовчилар ушбу мақсадда Давлат пул белгиси (Госзнак) корхоналаридан сотиб олинган ёки ўғирланган эмиссион қоғоздан ёхуд хориждан сотиб олинган юксак сифатли қоғоздан, ёхуд мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва ўз композицион таркибига қўра эмиссион қоғозга яқин турадиган истеъмол мақсадида ишлатиладиган энг яхши қоғозлардан фойдаланадилар. Қалбаки банкнотларни экс-

пертизада тадқиқ этиш давомида маълум бўлишича, қалбаки пул белгиларининг тахминан 15% юза қисмида полимер ёки лак қатламга эга бўлади. Бу қатлам уларнинг қабарик ва ғадир-будур бўлишини имитация (тақлид) қилишга ёрдам беради, уларга ялтироқлик ва ўзига хос қисирлаш бағишлайди, шунингдек, сувда эрийдиган бўёқнинг нам таъсиридан ҳимояланишини таъминлайди.

Қалбаки банкнотлар ясашда тасвирнинг бўёқли қатламини ясаш учун рангини нур тушиш бурчагига қараб ўзгартирадиган композиция таркибига қўра оптик ўзгарувчи бўёқлар қўлланилади. Улар босмаҳоналардан ёки дўконлардан сотиб олинади.

Рангли ипак толалардан кўпгина мамлакатлар ҳақиқий банкнотларини ҳимоя қилишда фойдаланадилар, улар, масалан, рублларда — қизил ва оч бинафша, АҚШ долларларида — ҳаво ранг ва қизил бўлиб, қоғозни тайёрлаш босқичида унга босим билан бириктирилган бўлади. Уни имитация қилиш қалбаки пул белгиларини тайёрлашда суратини чизиш, печатлаб қўйиш, елимлаш ёки босим билан бириктириш орқали амалга оширилади.

Қалбаки банкнотлар одатда «сув» белгиларига эга бўлмайди. Бундай белгилар ҳақиқий банкнотларда қоғоз қўйиш босқичида тола қатламининг ҳар хил қалинлиги эвазига ҳосил қилинади.

Қалбаки банкнотларда сув белгиларини имитация қилиш аппликация, рангсиз босма нақш солиш, шаффоф бўёқлар билан суратини чизиш, қоғозга ёғли, смолали ва мумсимон таркибларни шимдириш орқали амалга оширилади.



ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ИПОТЕКА КРЕДИТИ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини, умуман, барча кредитлар билан боғлиқ рискларни бошқариш банкчилик ишининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Банклараро рақобатнинг тобора чу-

қурлашуви, шунингдек, 2008 йил сентябрда юз берган халқаро молиявий инқироз яна бир марта тижорат банкларида ипотека кредити рискларини самарали бошқариш зарурлигини тасдиқлади.

Тижорат банкларида ипотека кредити рискини бошқариш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- банкларнинг ликвидлик даражаси таъминланади. Тижорат банкларининг етарли ҳажмда молиявий маблағларга эга бўлиши уларга барқарор молиявий фаолиятни давом эттиришга шароит тўғдиради. Шу боис, банклар ликвидлик даражасининг таъминланиши акциядорлар, мижозлар, аҳоли ва инвесторларнинг уларга нисбатан ишончининг таъминланишига ижобий таъсир қилади;

- банкларнинг барқарор даромад манбаси шакллантирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилади, бундай ҳолатдан тижорат банклари ҳам холи эмас. Тижорат банкларининг даромад (фойда) манбасининг шаклланиши банк акциядорларига дивидендлар тўлаш билан бирга уларнинг капиталлашув даражасини оширишга ва захира фонд-

0,2-0,3 мм диаметрга эга бўлган металл ёки полимер ҳимоя ипи банкнотга қоғоз массаси ичига қўндаланг қилиб жойлаштирилган бўлади. Уни имитация қилиш қалбаки банкнотнинг юз томонида қўшимча чизиш, печатлаш ва босим остида бириктириш орқали амалга оширилади.

Ҳақиқий банкнотларни ҳимоя қилишнинг оптик ўзгарувчан элементлари, яъни кинеграммалар (қоғозга босиб бириктирилган металлсифат ёрликлар), голограммалар (турли нуқталардан қараганда рангини ўзгартирувчи кичик тасвир объектлари), конфетти (қоғозга уни тайёрлаш босқичида бириктирилган 1мм диаметридаги қоғоз доначалар) одатда тегишли рангдаги бўёқ билан қўшимча чизиш орқали имитация (тақлид) қилинади.

Физикавий-кимёвий ҳимоя одатда қалбакилаштирилмайди, чунки у ҳақиқий пул банкнотларини тайёрлашда ишлатиладиган (қоғоз, бўёқ, толалар) таркибида муайян кимёвий моддалардан фойдаланиш орқали таъминланади. Шу боис қоғоз, бўёқ ва толалар махсус тадқиқот усуллари билан аниқланадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Банкнот юз томонидаги тасвирнинг айрим қисмлари қабариб туриши қалбакилаштириладиган банкнотнинг орқа томонидан махсус рельефли шакллардан фойдаланиб босим бериш орқали имитация қилинади.

Ҳақиқийларидан ажратиб турувчи баъзи жиҳатларини фарқлаш мақсадида қалбаки банкнотлар эскиртирилади, уларга муомалада бўлганлик туси берилади, бу эса қалбаки пулларни ўтказишни осонлаштиради.

ПУЛ БЕЛГИЛАРИ



Маҳмадқобил ҚАЮМОВ,
Ўз ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ
институты тадқиқотчиси

ларини шакллантириш имкониятини беради;

- банкларнинг ипотека кредитини бериш имконияти ортади. Тижорат банклари ипотека кредити рискнинг самарали бошқарилишини йўлга қўйиши берилган кредитларнинг қўшимча даромад билан тўлиқ қайтиши, банк кредит сиёсати самардорлигининг ортиши каби ижобий ҳолатни шакллантиради. Буларнинг барчаси банкларга қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлиш имкони ошишига, бу эса ўз навбатида ипотека кредитлари ҳажми ортишига шароит яратади;

- банк акциядорлари, инвесторлар ва аҳолининг банк сиёсати ва истиқболига ишончи мустаҳкамланади. Банкларда кредит сиёсатининг самардорлиги таъминланиши уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келади. Буларнинг барчаси банкларга мажбуриятларни тўлиқ ва тўхтовсиз бажариш имкониятини беради, натижада акциядорлар, инвесторлар ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончи ошишига олиб келади;

- миллий валютанинг барқарорлиги ортади. Акциядорлар, инвесторлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг мустаҳкамланиши банкдан ташқари нақд пул айланмаларининг қисқаришига ва вақтинчалик бўш пул маблағларининг қисқаришига олиб келади. Булар ўз навбатида миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари ипотека кредити рискларини бошқаришда давлатнинг аралашуви маълум даражада зарур бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозим, мамлакатимиз тижорат банклари ипотека кредит рискларини бошқаришда жиддий муаммолар мавжуд эмас. Мамлакатимиз йирик тижорат банки ҳисобланган “Ипотека-банк” томонидан берилган ипотека кредитларининг амалиётдаги ҳолати бунга мисол.

АҚШда 2008 йил сентябр ойида бошланган жаҳон молия инқирозининг асосий сабабларидан бири фонд ва молия бозорларида қимматли қоғозлар баҳосининг тушиб кетиши

билан бевосита боғлиқдир. Қимматли қоғозлар баҳоси бу тарзда тушиб кетишига йирик молия муассасаларига кредит рейтинг агентликлари Mood's, Standard and Poors ва Fitch томонидан юқори, яъни «AAA» рейтингини берилганлиги бўлиб, ҳақиқатда эса уларнинг фаолиятида қатор молиявий муаммолар мавжуд бўлган. Шу билан бирга, молия муассасалари кредит портфели таркибида сезиларли равишда муаммоли активлар вужудга келган бўлиб, ушбу муаммоли активлар кредит муассасаларнинг ликвидлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари ипотека кредити рискларини самарали бошқаришга таъсир этувчи омиллар турли-туман бўлиб, уларнинг етарли даражада мониторинги амалга оширилиши банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ориф НОРҚУЛОВ,
ТМИ магистранти

МЕНИНГ АМЕРИКАМ

Америка ёзувчиси Томас Вулф ҳаёти ва ижоди ҳақида



Америка адабиёти тарихида эсда қоларли воқеалар, мангулик мулкига айланган бадиий обидалар ва улар яратилган машҳур саналар, ҳаяжонли хотиралар жуда кўп. 1929 йил ана шундай — инсоният бадиий тафаккурида ижодий-эстетик сакрашлар, зўр маънавий бурилишлар ясаган тарихий саналардан биридир. Мазкур сана адабиёт оламида ҳануз буюк бадиий кашфиётлар тантанаси, ақл-заковатнинг музаффар тимсоли сифатида қадрланади, ёдга олинади. Бу асосан XX аср Америка миллий насрининг классик обидалари сирасидан мустаҳкам жой олган иккита буюк асарнинг дунёга келиш тарихи билан боғлиқ ҳодисадир.

Улардан бири “Алвидо, қурол!” романи бўлиб, асар ёш Эрнест Хемингуэйга катта жаҳоний шухрат келтирган эди.

“Фаришта, ўз қулбанга назар сол” романи эса, илк бор Томас Вулф номини дунё миқёсига олиб чиқди. Асар нашр этилгунча шундай ёзувчи борлиги ҳатто муаллиф яшаган мавзеда ҳам номаълум эди.

БЕШИККЕРТИ — ТАҚДИР НИШОНАСИ

Халқ удумлари фольклор йўналиши ва у асосидаги пьесалар орқали театрга кириб келади.

Ўз навбатида театр санъати муайян халқ удумини саҳна тилига ўтирганида унинг кенг тармоқли мазмуни тубига чуқурроқ кириш имкониятини беради. Мана шундай кенг тарқалган удумлардан бири бешиккертнинг саҳна талқинига кўчишидаги ўзига хослиги диққатга сазовор. Бу ҳолатни Марказий Осиёнинг ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ миллий театрларидаги талқинлар мисолида кузатиш мумкин.

Семетей ва Ойчурек, Алпомиш ва Барчиной, Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув, Тоҳир ва Зухра, Бомси-Байрак ва Бонучечак, Қўланди ва Айганиш қисматларида бешиккертнинг туб моҳияти, унинг ўзига хос сифати атрофлича ёритилади.

Хусусан, “Алпомиш”да ака-ука Бойсари ва Бойбўри, “Тоҳир ва Зухра”да шоҳ Бобоҳон ва вазир Боҳир, “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулуу” ҳақидаги қиссада икки кўшни Сарибой ва Қорабой фарзандсизлик алаmidан азоб тортиб, узоқ вақт Аллоҳдан тирноқ сўраб яшайдилар.

Онадўли турклари ҳамда ўғуларнинг “Китоби Дадам

Қўрқут” эпосида “Кам Буранинг ўгли Бамси Байрак ҳақида кўшиқ” деб номланган қисса бор. Унда зиёфатда Баёндурухон хизматида турган бек ўғилларини кўриб, Кам Бурабек ҳавас билан қарайди ва ўзининг ўғли йўқлигидан тушкунликка тушади. Зиёфат аҳли Худодан унга ҳам ўғил беришини сўрайди. Шунда бошқа бир бек ўзининг қиз кўриш орзусида эканини билдиради. Беклар унинг ҳам тилаги ижобат бўлишини сўраб, дуо қилишади. Шунда беклар гувоҳлигида ҳар иккаласи агар фарзанд кўрсалар, қуда бўлишга аҳду паймон қиладилар.

Ордан вақт ўтиб, Кам Бурабек ўғил, иккинчи бек эса қиз кўради. Бешиккerti қилинган Бомси ва Бонучечак бирга улғаядилар.

“Алпомиш” дostonида катта базм-жамшидда ака-уканинг фарзандсизлигини юзига соладилар. Узоқ илтижолар ва қирқ кунлик чиллада қилинган дуою ибодатлардан сўнг Шоҳимардон пирнинг башорати билан улар фарзандли бўлишади. Бойбўри хонадонида Ҳақимбек — Алпомиш дунёга келади. Узоқ кутилган бу фарзанд аслида юртнинг бошига кун бўлиб (кўёш маъносида) келган эди, зотан бахшилар унинг онасини Кунтуғмишбека деган ном билан атайдилар.

Орадан бир йил ўтгач, Синклер Льюис, Стокгольмда адабиёт бўйича халқаро Нобел мукофотини қабул қилиш маросимида, умидли ёш ёзувчилардан Хемингуэй, Дос Пассос, Фолькнер, Майкл Голд каби истеъдодли адибларнинг номини тилга олиб ўтади. Улуғ ёзувчининг нутқида яна бир характерли ўрин бўлиб, у қуйидагичадир:

“Орамизда тагин бир ёзувчи бор. Бу — Томас Вулфдир. У ҳали жуда ёш. Эҳтимол, ўттизга ҳам кирмагандир. Бироқ унинг “Фаришта, ўз кулбангга назар сол” номли биринчи романи адабиётимизнинг энг яхши асарлари билан беллаша олади. Томнинг бу романи ҳаётнинг Рабле тасвирлаган қувончларию шодликларига лиммо-лимдир”.

Вулфнинг замондоши Эрнест Хемингуэй, орадан чорак аср ўтгач, 1929 йилни шундай хотирлайди:

“Бу асар 1929 йилда, Нью-Йорк биржасида талафот юз берган куни майдонга чиқди. Шундан буён ўтган вақт ичида Скотт Фицжеральд ўлди, Том Вулф ўлди, Жим Жойс ўлди, (У биографлари томонидан ўйлаб ёзилган Жойсга ўхшамасди, антиқа ўртоғимиз эди. Бир куни у ичиб ўтирганимизда, менинг китобларим сизга жуда ибтидоий бўлиб кўринмайди, деб сўраганди); Жон Бишон ўлди, Макс Перкинс ўлди. Ўлиши керак бўлган яна бир қанча одамлар ўлиб кетишди: бир хиллари Милан бензоколонкаларида

оёқларидан осилдилар, бошқалари, яхшими, ёмонми, бомбардимон қилинган немис шаҳарларида осиб қўйилди. Қанча номаълум, номсиз, нишонсиз, бироқ ҳаётни жуда ҳам севган кишилар йўқ бўлиб кетишди”.

Дунё юзини кўриши биланоқ катта довруғ қозонган бу асарга келажакда ёзилажак роман-тетралогиянинг биринчи қисми бўлишдек бахтли қисмат насиб қилган эди. Томас Вулфнинг “Вақт ва дарёлар”, “Гирдоб ва қоя” ҳамда “Уйга йўл йўқ” романлари бевосита “Фаришта, ўз кулбангга назар сол” асарининг мантқиқий давомидир.

Табиатан саёҳат қилишни хуш кўрадиган адиб қисқа, лекин гоят самарали умрида бир неча мамлакатларда бўлади. Европанинг талай йирик шаҳарларига сафар қилади. Табиийки, сафар таассуротлари унинг асарларида қизиқарли бадиий акс эттирилади. “Фаришта, ўз кулбангга назар сол” романининг қаҳрамони Оливер Гант ёки “Уйга йўл йўқ” асарининг бош персонажи Жорж Уэббер ҳам чет мамлакатларга сафар қилиш, бошқа халқлар ҳаёти, турмуш тарзи билан қизиқадиган интеллектуал онг эгаларидир. Зеро, Вулфнинг ўзи ҳам поездларда саёҳат қилишни, демак, тезликни, доимий ҳаракатни, тез-тез жой алмаштириб туришни, янги одамлар ва янги таассуротларга доимо ошноликни севарди. У йўлда юрган

чоғларида ҳам қалин муқовали дафтар ва қаламини кўлидан қўймасди.

Томас Вулф ижодининг яна бир ўзига хос жиҳати — асарларининг биографик характерга эгалигидир. Ёзувчи вафотидан сўнг адиб ижодини чуқурроқ ўрганишга киришган тадқиқотчилар қарийб ҳар бир эпизод тарихини, асосий қаҳрамонларнинг прототипларини, ҳатто, бадиий тасвирланган воқеаларнинг қачон ва қайси реал ҳодисаларга алоқадорлигини осонгина аниқлаганлар.

Хусусан, Оливер Гант образи прототипи “Фаришта, ўз кулбангга назар сол” романи қаҳрамони ёзувчининг отаси экани адиб ҳаётлигидаёқ ҳеч кимга сир эмасди. Элиза образи эса, бир чет эллик адабиётшунос ибораси билан айтганда, адибнинг волида муҳтарамаси Жулия Вулфга қуйиб қўйгандек ўхшарди. Ёзувчининг кейинги романларида иштирок этувчи асосий персонажлар ҳам ҳаётий, Томни яқиндан билган ва чин юракдан яхши кўрган реал шахслар эди. Лекин, адибнинг ўзи эътироф этишича, у яратган жозибали бадиий образлар асло у билган кишиларнинг нусхаси эмасди.

“Фаришта, ўз кулбангга назар сол” романи воқеалари Американинг жанубий шаҳарларидан бири Алтамонтда бўлиб ўтади. Эпизоддан эпизодга, саҳифадан уланган катта-кичик воқеалар тизими Гантлар

Аёл мукамаллигининг тимсоли маъносида номланган Барчинойни эса Олтиной дунёга келтирган. Ой билан Кун бўлган Алпомиш ва Барчинойни бешиккертти қиладилар. Бунга Бойсари билан Бойбўрининг ички ноиттифоқлиги раҳна солади.

Одатда бўлажак баҳодирларга бирор-бир қаҳрамонлик кўрсатганидан сўнг ном берилган. Ҳақимбек еттига кирганида Асқар тоғининг бир ўнгирини камондан отган ўқи билан уриб туширади ва Алпомиш номини олади.

Яна бир асарда Бомси деган бола ўн бешга кирганида паҳлавон бўлади ва тенгқурлари билан овга боради. Савдогарлар унга қароқчилар устидан шикоят қилиб келишади. Бола қароқчилар билан олишиб, уларни бир ўзи енгади. Ана шу жасоратидан сўнг унга Бомси Байрак деб ном беришади.

Кексайиб қолган Манас узоқ қутилган ўғли Семетей туғилганиданоқ уни Ойчурекка бешиккертти қилиб қўяди. Семетей улғайганида бу ҳақда билмайди, шунинг учун у Чачикейга уйланади.

Юртга босқинчилар бостириб кирганида оқила Ойчурек ўзининг бешиккертиси бўлган Семетейни ўзи ва эли ҳимояси учун қидириб топишга аҳд қилади. Оққушга айланиб, дунёларни кезади.

Барча ошиқ-маъшуклар каби Алпомиш ва Барчиной ҳам,

Бомси ва Бонучечак ҳам айрилиқ азобини тартади, аммо тақдир бешиккертти орқали азалдан бирлаштирилганлиги боис улар қайта-қайта топишадилар.

“Алпомиш” дostonида тўйдан кейин куёв келини ташлаб узоқ юртга кетади. Кетишидан олдин у севгилисининг кутиш ваъдасини олади ва айтилган муддатда (қўпинча 7 ёки 9 йил) қайтишга сўз беради. Бироқ қаҳрамон ўзга юртда ўзига боғлиқ бўлмаган шароит тақозоси билан узоқ қолиб кетади. Ёрига унинг ўлими ҳақида ёлгон хабар келтиришади ва маъшукани бошқа ёр танлашга мажбур қилишади.

Барчиной Алпомишнинг ўғай укаси Ултонтозга, Бонучечак Баёндурухон бекларидан бирига, Ойчурек босқинчи Толтойга турмушга чиқишга розилик билдиради. Қирқ кунлик ёки олти ойлик муҳлат сўраган бу келинларнинг барчаси шу муддат ичида ўз бешиккертисининг етиб келишига ишонади. Шу тариқа барча асарларда баҳодир илоҳийнинг кўмагида ўз ёрининг тўйи устига кириб келади.

“Тоҳир ва Зухра” қиссасида фарзандсиз ўтаётган Бобонхон ва Боҳир кўп илтижо қилганларидан кейин тушида Хизир бува келиб, Аллоҳ фарзанд бериши ва туғилганидаёқ уларни бешиккертти қилишини буюради. Қирғиз “Манас”и ва қозоқ “Қобланди ботир”ида Худодан фарзанд тилаган оталарнинг ўзлари аҳдлашадилар.



оиласининг 20 йиллик тарихини қамраб олади. Ота-она ва олти нафар фарзандлари ўртасида бўлиб ўтган мураккаб, зиддиятли муносабатлар асар конфликтини кучайтирган, воқеа-ҳодисалар ривожига шиддатли тус берган.

Романнинг бош қаҳрамони — Южин Гант. У оилада ўта таъсирчан, жаҳолат ва разолатдан нафратланувчи, ўйчан бола сифатида вояга етади. Бунинг устига, ҳамма ака-укалари қатори ота-онасидан меҳрибонлик кўрмайди. Оилада бўладиган доимий жанжаллар тинкасини қуритади. Камгап, доимо ёлғизликни хоҳлайди. Юрагига яқин бўлгани сабабли, онда-сонда акаси Бене билан қурган суҳбатлардан паноҳ излайди...

Улғайиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгач, университетга ўқишга кириди. Студентлик йилларидаёқ адабиёт, бадиий ижод билан

шуғуллана бошлайди. Унинг дастлабки романи штатларда катта шовшувларга сабаб бўлади. Аммо бу осонликча амалга ошмайди. Нашриёт ва нашр ишлари Южиннинг тинкасини қуритади. Демак, ёзувчининг ўзи сингари қаҳрамон ҳам олий мақсадини амалга ошириш йўлида изтиробда.

Асримиз тенгдоши Томас Вулф 1900 йили Американинг Жанубида, Шимолий Королина штатининг Эшвил шаҳарчасида дунёга келди. Шу боис, унинг дунёқараши эстетикасида, асарларининг ички-инсоний моҳиятида жанубликларга хос соддалик зуҳур этган бўлса, ажаб эмас.

У оилада энг кенжа — саккизинчи фарзанд бўлиб, ёшлик йиллари меҳнат билан кечади. У отасининг энг яқин ёрдамчиси эди. Отасининг асл касби сангтарош бўлиб, қабртошлари йўнадиган хусусий устахонаси бор эди. У жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиш билан бирга, ўзига хос темпераментга эга эди. Дам олиш соатларида кенжаси Томга Шекспир асарларидан ўқиб берар, бу машғулот унинг ўзига ҳам хуш ёқарди. Англиялик романтик шоир ва ёзувчиларнинг асарлари билан илк бор таништирган ҳам унинг отаси эди.

Онаси Жулиа Вулф эса оилада мустақил, серғайрат аёл эди. Гоҳида унинг ўта тежамкорлиги, сармоя йиғишга ўчлиги ички-оилавий

Асарларда намоён бўлгучи иккинчи муҳим жиҳат, бешиккерт қилинганлар тақдири болалигидаёқ икки ёққа ажралиб кетади. Бунга кўпинча оталардан бирининг ўлими ва иккинчисининг аҳддан қайтиши сабаб бўлади. Бу ҳолат ҳам турли халқларда ўзгача кечади. Масалан, “Тоҳир ва Зухра”нинг халқ ижоди асосида XVI-XVII асрда яшаб ўтган шоир Сайид Муҳаммад Сайёдий, XVIII-XIX асрларда яшган туркман мумтози Мулла Нафас томонидан ёзилган достонларида Бобохоннинг шахсидаги қатъиятсизлик бешиккертларни ажратиб юборади. Драматург Собир Абдулланнинг 1937-38 йилларда ёзилган шу номли пьесасида эса социал нотенглик конфликт марказига қўйилади. Яъни Бобохон шоҳ бўлганлиги учун вазир Боҳирнинг ўлиmidан сўнг қизини паст мавқедаги куёвга беришдан воз кечади.

“Кўзи Кўрпеш ва Баян сулуу” эпоси туркий ва мугул халқлари орасида кенг тарқалган. Қозоқларда унинг йигирмадан ортиқ тилларга таржима қилинганлиги эътироф этилади. Шунингдек, асар татар, бошқирд, олтой, уйғур тилларида ҳам чоп этилган. “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулуу” гагин муҳаббат қиссасидир.

Аслида бешиккертларнинг ажратиб юборилиши халқ удуми тагида ўзига хос ҳикмат яширинганини, яъни инсон туғилганиданок унинг толеи, тақдири белгиланиши ҳамда урф-одат ва таомиллар бунда ўзига хос восита эканлигини

огзаки ижодда акс эттирувчи бадиий усулдир.

Бу йўналишдаги барча асарларда фарзанд улғайгач, унга ўз бешиккертисини топиши кераклиги айтилади.

Бешиккертларнинг топишида томонлардан бирининг фаоллиги турли халқлар огзаки ижодида турлича кечган. Масалан, Тоҳир, Бомси каби йигитлар маъшукасини излаб топсалар, “Манас” эпосида Ойчурек Семетейни топади. Бешиккерт қилинганини эшитган Семетей ҳаётини Ойчурек билан бошқатдан бошлайди.

Одатда бир-бирини излаган ошиқ-маъшукни Худонинг ўзи учраштиради, яъни уларнинг толеи бирга ёзилади. Бу борада “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулуу” эпосида низо қаҳрамон қиз Баян отасининг сурувини қайтариб келиш учун йўлга тушганида, Кўзи билан тасодифан учрашиб қолади.

Бешиккертнинг илоҳийлиги шундаки, йигит-қиз бир-бирини кўрган заҳоти уларни кучли қудрат ўз домига тортади. Қалблар беихтиёр боғланади. Қозоқ драматурги Ғабит Мусрепов бу эпос асосидаги асариде бешиккертнинг ўзини конфликт марказига қўяди. Яъни Баян овулдаги барча йигитларга ёқади, аммо Қодар қизни чин дилдан севади. Ҳеч кимга кўнгил бермаган Баян тасодифан Кўзи билан учрашиб, бир кўришдаёқ уни севиб қолади. Асар сўнгида Қодар зўрлик билан қизга уйланади, аммо унинг кўнглига эга бўлолмайди. Қодар Кўзини ўлдирди, Баян

жанжалларга сабаб бўларди. Умуман, Том вояга етиб улғайган сари ота-онаси билан бўладиган муносабатлари мураккаблашиб боради. Бу ҳолат ёзувчининг биринчи романида юқори бадиий савияда, бутун зиддиятлари билан акс эттирилган.

Шимолий Королина Штати университетини тамомлагач, бўлажак ёзувчи билим савиясини янада мустаҳкамлаш ниятида Гарвард олийгоҳига жўнайди. Мўтабар даргоҳда у профессор Жорж Бейкердан драматургия сирларини ўргана бошлайди. Бир неча пиесалар ҳам ёзади, бу асарлар ҳаваскорлик клуби саҳналарида томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Лекин драматургиянинг тор, чекланган имкониятлари уни қониқтирмайди. Шу боис, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб йирик прозада истеъдодини синаб кўради. Натижада, 28-29 ёшли навқирон йигитга бахт кулиб боқади. “Фаришта, ўз кулбанга назар сол” асари, бир оз муболага билан айтганда, уни Американинг энг яхши ёзувчилари сафига олиб чиқади.

Томас Вулф сўнги икки романи устида умрининг охиригача зўр гайрат билан ишлади. “Гирдоб ва қоя” ҳамда “Уйга йўл йўқ” асарлари энди Южин Гант эмас, балки Жорж Уэббер циклидаги қаҳрамонлар билан бойитилди. Янги қаҳрамон бир

қарашда Гантнинг ташқи қиёфасига, психологик характер-хусусиятларининг такрорига ўхшаса-да, лекин, унинг руҳий олами, мавжуд воқеликка муносабати, бошқача айтганда, ижтимоий фаоллиги юксак бадиий маҳорат билан ифода этилади.

Маълумки, урушдан аввалги ўн йиллик Американинг социал-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Адабий қаҳрамонлар ҳам даврга ҳамоҳанг фаоллашади, уларнинг маънавий ва ахлоқий дунёси янада шакллана бошлайди. Ватан туйғуси, миллий ифтихор туйғуси ҳаётий воқеалардан адабий персонажлар қиёфасига, хатти-ҳаракатларига кўчади. Америкалик танқидчи Малькольм Каулининг ибораси билан айтганда, Томас Вулфнинг “Уйга йўл йўқ” романи “қизил ўн йилликнинг” олий бадиий ифодасидир ва бу асарсиз 30-йиллар на срини тасаввур қилиш мумкин эмас. Айниқса, китобнинг “Американинг умид юлдузлари” бобида бу муаммо кескин ва кенгроқ бадиий ифодасини топган. Тетралогиянинг сўнгги романида фақат ижтимоий ёки сиёсий масалалар эмас, балки инсоннинг руҳий кечинмалари, чин муҳаббат мавзулари ҳам жозибали, ёрқин бадиий бўёқларда ифодаланган.

Америкалик танқидчилардан бирининг ёзишича, Томас Вулф “мамлакатнинг энг буюк радикал

ёзувчиси” даражасига кўтарилиши лозим эди. Афсуски, унинг адабий истеъдоди энг гуллаган, бадиий-эстетик тафаккурида муҳим бурилиш ясалган бир даврда бевақт ўлим уни адабиёт олампидан олиб кетди. 1938 йилнинг ёзида оғир хасталикка учраган адиб шу йилнинг сентябрида оламдан кўз юмди. Вафотидан икки йил ўтгач нашр этилган “Уйга йўл йўқ” романи ёзувчининг китобхонларга адабий васияти бўлиб қолди.

XX асрнинг 50–60-йиллари Америка танқидчилигида “Вулфнинг қайта тирилиши” даври деб юритилади. Бу бежиз эмас, албатта. Унинг вафотидан кейин шахсий архивидан топилган “уэббер” циклидаги романларидан ташқари ўнлаб новеллалари, шеърлар тўплами, дўстлар билан ёзишмалари, кундалик дафтарлари адиб ижодининг очилмаган қирраларини ёритишга хизмат қилади. Ҳозирга келиб, XX аср Америка мумтоз насрида мустаҳкам ўрин олган Томас Вулфни, эътиборли танқидчилар “энг яхши олтиталик”ка, яъни Фолькнер ва Хемингуэй билан бир сафга қўядилар.

Умуман олганда, ёзувчининг серташвиш ҳаёти, чеккан ижодий заҳматлари ана шундай бадиий шохсупаларига муносибдир.

Мансур ТЕНГЛАШЕВ,
филология фанлари номзоди

эса айрилиққа чидай олмай, ёрининг қотилини ўлдириб, сўнгра ўзини ўлдиради.

Кўзи ва Кўрпешни ёнма-ён қабрга қўядилар, ҳар икки қабрдан гул ўсиб чиқади ва улар бир-бирларига талпинарканлар, ўртадан ўсган наъмакак уларнинг бирлашиб кетишларига ҳалақит қилиб туради.

Драматург Қодар образини алоҳида меҳр билан ишлайди. Яъни Қодар ўзи бир умр севган, ардоқлаган қиз томонидан ўлдирилади. Мазкур асар бўйича яратилган спектаклларда эса режиссёрлар Қодар ролини Қўздан ҳам кўркем, ҳайбатли актер ўйнашига эътибор қилганлар. Яъни Қодар қанчалик бой-бадавлат, кўркем, келишган бўлмасин, Баян оддий чўпон Кўзи Кўрпешни дейди. Зотан, уларнинг тақдирини Аллоҳ бешиккerti билан бирлаштирган.

Ажодларимиз бешиккertiда ўзига хос илоҳийлик кўрадилар. Одатда бешиккerti қилинганларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди, тақдир уларни қай тариқа бўлмасин учраштиради. Бу кўплаб халқ достонларига хос бўлиб, унинг ёрқин мисолини Алпомиш ва Барчиной, Семетей ва Ойчурек, қолаверса, Тоҳир ва Зухра қисматларида кўрамиз. Уларнинг аксарияти бирга туғилдилар, бирга яшайдилар ва бирга ўладилар.

Сайид Муҳаммад Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра” қиссасида бешиккertiдаги илоҳийлик шох Бобохонни ҳар қадамда

таъқиб этади. Зеро, Худонинг инояти билан қўшилган тақдирларни ажратиб юборишга салтанатнинг кучи, подшоҳнинг қудрати ва саройнинг кирдикорлари ожизлик қилади. Узоқ айрилиқдан сўнг Зухра билан учрашган Тоҳирни жазога тортаётганида элу-юрт Бобохонга таъна қилади. Достонда шундай сатрлар бор:

*Они бу ерга келтурган Худодур,
Сабаблар бирла еткурган Худодур.
Ки асло йўқ эдилар, бор қилди,
Икисин бир-бирига ёр қилди.
Айирдинг сан, яна қўшди Аллоҳим,
Қўшгил энди иккисин, подшоҳим.*

Профессор Холиқ Кўрўғли халқ оғзаки ижоди гарчи ўзининг умумлаштириш даражаси, баёндаги поэтик ва услубий шаклининг алоҳида чархланганлик қиррасига кўра профессионал ижоддан устунлик қилмаса-да, муайян миллатнинг табиати, урф-одати, фантазиясини акс эттириши жиҳатида кўра информациянинг специфик тури сифатида аҳамиятли эканлигини таъкидлаган эди. Шу боис у барча даврларда миллатни этник умумийликнинг ўзгармас қадриятлари асосида тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.

Олтиной ТОЖИБОЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди



Биз юксак даражада ривожланган техника асрида яшамоқдамиз. Ҳозирги кунда фан-техника яратган мўъжизалар инсониятни ҳайратга солаётгани бор гап. Бир пайтлар инсон космосга парвоз қилибди, деган шов-шувлар бугун кундалик, шунчаки информация тарзида қабул қилиниши сир эмас. Аммо бундан бир неча асрлар бурун ҳам инсон ақл-заковати, тафаккури шундай мўъжизаларни яратганки, бу ҳамон замонавий авлод ҳайратини оширади, ўйлашга фикрлашга ундайди. Мисол учун, дунёнинг етти мўъжизаларидан бири ҳисобланган Эфестдаги Артемида ибодатхонасини олиб қарайлик. Тарихда мазкур ибодатхона тўғрисида кўплаб ривоятлар яратилган. Бу ҳақда сал кейинроқ...

«НУР ШАРҚДАН ТАРАЛАДИ»

Қадимги Римда кенг тарқалган мазкур ҳикматда Шарқ халқларининг инсоният маданият пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Фарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган. Бу бежиз эмас, албатта. Хусусан, Марказий Осиё халқларининг қадимий дини зардуштийлик Оврўпанинг кўҳна маданияти, хусусан, унинг бешиги ҳисобланмиш юнон маданиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

Маълумки, юнон фани ва фалсафаси марказий

Юнонистондагина эмас, балки Кичик Осиё, Ионияда (замонавий Туркия худудларига кирувчи) йирик порт шаҳри Милетда шаклланган. Милет географик жиҳатдан қулай жойлашгани туфайли савдо, ҳунармандчилик соҳалари бошқа жойларга нисбатан кенгроқ ривожланади, айти пайтда иониялик файласуф олимлар фаолияти амалий ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ривожланди. Бу олимлар ўз таълимотларида астрономия, физика ва биология ҳақида дастлабки тушунчалар, кундалик ҳаётда зарур бўлган асбоблар кабиларни яратди. Уларнинг таълимоти, очигини айтганда, ибтидоий-фалсафий қарашлар тарзида эди. Европанинг илғор Шарқ маданияти билан тўқнашуви ва унинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириши ҳам Милетда амалга ошган. Агар яқин вақтларгача Милет фани ва маданияти, фалсафаси Яқин Шарқ маданияти таъсирида шаклланган, деган фикр ҳукмрон бўлса, сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларда унга аниқлик киритилиб, асосий таъсир милотдан аввалги VII-VI асарлардаёқ Шарқ ва зардуштийлик томонидан бўлган, деган гоё олға сурилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Милет олимлари орасида Фалес (милотдан аввалги 624-574) таълимоти айниқса, диққатга

сазордир. У Лидия шоҳи Крезнинг Кирга қарши юришида иштирок этган. Крез ҳозирги Туркия ҳудудларига кирувчи қадимги Кичик Осиёда жойлашган Лидиянинг сўнгги шоҳи эди. У эрамизгача 560 йилларда энг катта бойлик эгаси сифатида шухрат қозонган эди. Шу боис, Эфестда ўз маблағи эвазига улкан ва ғоят муҳташам ибодатхона барпо этади. Шаҳарнинг ўзига эса ибодатхона қурилишидан минг йил муқаддам асос солинган эди. Афсоналарда ривоят қилинишича, шаҳарнинг асосчилари амазонкалар — аёл жангчилари қабиласи бўлган.

МУҲТАШАМ МАРМАР ИБОДАТХОНА

Крез ушбу ибодатхонани ҳайвонлар ва ёш қизлар ҳомийси бўлмиш ой худоси шарафига барпо этишга қарор қилади. Юнонлар уни Артемида, римликлар Диана деб аташган. Ибодатхона шу яқин орадаги тоғлардан қуллар кучи ёрдамида келтирилган оҳак тошлар ва мрамар тошлардан тикланган. Ушбу бино тарҳига жами 120 та тош устунлар киритилган бўлиб, улар ғоят баҳайбат ва муҳташам, баландлиги эса 20 метр келади. Устун бўлаклари мустаҳкам асосларга блоклар ёрдамида ўрнатилган, кейин металл қисқичлар билан зич бириктирилган. Ибодатхона тамомила қурилиб битказилгач, усталар унинг кунгураларига зеб берган, пештоқларига ҳар хил ҳайкалчалар ўрнатган.

Ибодатхонанинг қоқ марказига Артемиданинг гўзал ҳайкали тикланган. Кошона ундан кейин Афинада қурилган Парфенондан улкан, салобатли бўлган. Ибодатхона турган асоснинг бўйи 131 метр, эни 79 метр майдонни эгаллаган.

ГЕРОСТРАТ ВА АЛЕКСАНДР

Орадан 200 йил ўтгач, яъни милoddан аввалги 356 йили ибодатхона тамомила ёндириб юборилган. Ёнгин сабачиси Герострат исмли киши бўлиб, гўё у ўзининг бу иши билан номини тарихда мангу муҳрланиб қолдиришни ният қилган.

Мўъжизавий бир тасодифни қарангки, ибодатхона ёндирилган кўни афсонавий Александр Македонский туғилган экан. Йиллар ўтиб, Александр Эфесга борганда, ибодатхонани аввалги жойида қайта тиклашга фармон берган.

Александр қайта қурдирган бу ибодатхона эрамизнинг III асригача қад ростлаб турган. Аммо йиллар ўтиб, Эфес кўрфази лой ва қумга тўла бошлагач, шаҳар ўз тарихий аҳамиятини йўқотади. Кейинчалик ибодатхона готлар томонидан талон-торож қилинади.

Ҳозирги кўнларимизда ўша жойда ягона, баҳайбат бир устун сақланиб қолган.

Раҳима ЗАРИПОВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза тумани
307-мактаб ўқитувчиси





Самандар ВОҲИДОВ

ЭЙ, ИШҚ

Эй ишқ, не балодирсан,
Бахтми ё жафодирсан.
Жон сенга вафо қилса,
Жаллоди вафодирсан.

Ким дегай сени офтоб,
Ичдирганинг қон, зардоб.
Ашким оқизиб селоб,
Не турфа жазодирсан.

Аввалига шод айлаб,
Музни ҳам набот айлаб,
Уқ пардан қанот бойлаб,
Авраган наводирсан.

Кафт-ла қўндириб юлдуз,
Тунларни этиб кундуз,
Тошда отдириб илдиз,
Сўнг ўзинг юлодирсан.

Яшнаб ибтидоингда,
Қақшаб интиҳоингда,
Раҳм йўқ муддаоингда
Сабрга бесафодирсан.

Оҳимда тутун, эй ишқ,
Доминг сертугун, эй ишқ,
Англадим бугун, эй ишқ,
Дарди бедаводирсан.

ИНШО БЎЛИБДУР

Хуснингга қиёс кимга хусн
иншо бўлибдур?

Ким қилса даъво, сохта сири
ифшо бўлибдур?
Бу кўркки, сенга неъмат хос
Бўлди фалакдан,
Ҳам кўкдаю ҳам ерда талаш
Савдо бўлибдур.
Чок айлаб яқо арши фалак
Узра малаклар,
Дўкони латофат ёнида
Ғавго бўлибдир.
Бир четда қолиб хурилиқлар
Хунибийрон,
Бу хусни самовий сенгами
Савго бўлибдур?
Тақдир ҳазили зилга дўниб,
Мулки чиройда —
Ошиқлар гадою булҳавас
Подшоҳ бўлибдур.
Нетсинким, Самандарга насиб
Этмади шоҳлик,
Дил қонида мадҳингни битар
Мирзо бўлибдур.

КЎЗИМ ТОЛДИ

Кўзим толди бу дунёда
Қуёш монанд сароблардан,
Кўнгил қолди юзи шаффоф,
Туси лойқа шароблардан.
Қўлимга тутдиму, аммо
Менинг куйим қолиб четда,
Ғанимлар истаган куйни
Варанглатган рубоблардан.
Умр ўтди, умидларнинг
Нури ем бўлди зулматга,
Едим панд сиртида ёғду
Ярақлатган ҳубоблардан.
Савобга бахш этиб дилни,
Ғуноҳдан тийдиму қўлни,
Ғуноҳқорни кўриб хуррам,
Алам топдим савоблардан.
Рақиб сув деб заҳар тутди,
Ичиб, ё раб, тирик қолдим,
Ажабмас, беажал ўлсам
Рафиқ тутган гулоблардан.
Саволлар бўйнима сиртмоқ,
Вале жоним омон топгай,
Омон жонимга жабр етгай
Омони йўқ хитоблардан.
Самандар, бу азоблардан
Халос бўлмоққа имкон йўқ,
Халос бўлмай, касу нокас
Кийиб юрган ниқоблардан.

БЎРИ ОВИ

Бўрилар тоғу тош ва чўлу биёбонларнинг ёвуз феъл-атворли йиртқичлари ҳисобланиб, хавф-хатарлардан холи бўлиш учун баланд қоя, тепалик, қуюқ тўқай ва чангалзорларни макон қилишади. Улар учун энг асосийси — емиш. Сув манбайи ҳам керак, албатта. Асосан жамоя бўлиб ўлжабоп қари, нимжон ва касал ҳайвонларни таъқиб қилишади. Кутилмаганда ҳужум қилиш — уларнинг устунлигини белгилайди.


Оила бошлиғи ёлдор — кучли сардор. Унинг биргина қуроли ўткир тишларидир. Ниҳоятда эҳтиёткор, инсонларга камдан-кам рўпара бўлади. Кекса овчиларнинг таъкидлашича, у бир қулоғи билан ухлаб, иккинчиси билан эшитаркан. Тўдадаги шерикларини олти-саккиз чақирим наридан туриб ҳам таний олади. Ёзги мўйнаси сийраклашиб салқин юради, қишда эса

қалинлашганидан аёзли, қаҳратон тунлар ҳам унга писандмас. Табиат қийинчиликларига мослашган, ҳафталаб оч юришга бардош бераолади. У ўз тўдасида қатъий ижтимоий тартиб ўрнатиб, бошқа турдошлари билан қандай муносабатда бўлиш ва овга киришишни назорат қилиб боради. Шунингдек, ҳудудни белгилаш кўникмаларига эга бўлганлигидан урғочиси билан маълум жойни эгаллаб, оиласини бошқа тўдадаги бўрилардан кўриқлаб туради.

Қош қорайган пайти бахмаллик моҳир мерган Рустам амаки ови ба-

роридан келиб Тўрткўз ити билан хушқайфиятда ортига қайтаркан, кутилмаганда Новқа қишлоғига тугаш бўлган қўра атрофида шовқинсурон ва қийқириқларни эшитиб чўпонлар олдига шошилади. Афтидан, йиртқичлар молларга ҳужум қилишганди.

Бахтга қарши ҳавонинг авзойи бузилиб, осмонни қора булут қоплаб олди. Кўп ўтмай шивалаб ёмғир ёға бошлади. Деярли ҳар куни янги синовларни бошидан кечираётган чўпонлар овчи билан салом-алик қилгач талонни бориб кўришга таклиф қилишди. Улар ёритгич чироқ



Неъмат ҲАКИМОВ
чизган сурат

ёрдамида тойганчиқдан сирганиб, қўлмақларни четлаб воқеа содир этилган жойга етиб келишгач, кичик фермер хўжалиги бошлиғи бу нохуш воқеанинг бир лаҳзада юз берганлигини куйиниб гапириб берди. Совлиқлар ҳурканидан қўранинг бир бурчагига тўпланиб олишган, фақат ташқарида сигир ва гунажинларгина бепарво эди. Чунки пода атрофини ола ҳўкиз айлиниб кўриқлаб юрарди.

Рустам амаки қўйлар қамаб қўйиладиган жойни кўздан кечирганда ўртада бир неча совлиқ ёнмаён ётар, уларнинг томоғи ғажилган, умиртқалари лат еган, бирининг эти суяккача шилиниб қонга беланган ва орқа сони йўқ эди. Бу озлик қилгандай бир қўй ўмариб кетилганди. Ақл бовар қилмайди.

— Бўрилар деярлик ҳар куни қўйларга ҳамла қилишяпти, — деди фермер орадан жимликни бузиб. — Бузоқ ва қулунларни ҳам яралаб кетишяпти. Қанчадан-қанча гўшт, жун, ёғ ва тери исроф бўлаётганини айтмайсизми?

— Биринчи қор ёққанда келаркан, — жавоб қилди Рустам амаки улар кўнглини қўтарган бўлиб. — Унгача бироз тайёргарлик кўриш керак бўлади.

Бу гаплардан фермернинг кўнгли тўлмай, у билан менсимайгина хайрлашди ва бир неча кун қўли ишга бормаи юрди.

Фаслар ўзгариб, ҳаёт ўз маромида давом этаверди. Мавсум алмашинуви бошланиб чорвадорлар ҳаёт синовларидан ўтиб кишни қаршилай бошладилар. Тоғ

ён бағирлари ва паст текисликлари оппоқ кўрпага бурканди. Рустам амаки ваъдага мувофиқ саман отда ёрдамчиларини эргаштириб чўпонлар ҳузурига келганида фермер кўзларига ишонмади. Ёрдамчиларининг бири новчадан келган, эгнидаги пўстини ўзига ярашиб турар, иккинчисининг қадди-қомати келишган хушфеъл йигит эди. Улар олдиндан ов тадоригини кўриб қўйишгани учун хуржунга ўқ-дори, қурол-яроқ, узоқни ёритувчи чироқ ва зарур иссиқ кийимлар жойланган эди.

Чўпонлар уларни очик чехра билан қарши олишди ва биродарлик юзасидан “қароргоҳи”дан жой кўрсатишди. Чоққина уйча ичкари-сига кираверишдаги чўян печкада ёнаётган ўтиннинг қуюқ тутуни шифтдаги туйнукдан чиқиб ажиб манзара касб ётар, қумғон шақирлаб қайнар, суви чўққа сачраб чарсилларди. “Спидола”дан ёқимли куй таралиб, чўпонларнинг фаровон ҳаёт кечиришаётгани сезилиб турарди. Оқшом чўққанда уларнинг суҳбат мавзуси яна йиртқич бўриларга қаратилди. Овчиларнинг шу ерда тунаб қолишларига тўғри келди.

Тонг ёришмай улар ов тадоригини кўришаркан, фермер:

— Биздан нима ёрдам керак бўлади? — дея савол билан мурожаат қилди.

— Ҳеч қандай ёрдам керак эмас, — деди Рустам амаки хотиржам. — Ўзимиз эплай оламиз.

— Бир нечтагина тутасизларми? — сўради у яна туюқиб. — Лекин тоғу тошлар оралиғида йиртқичлар

кўпчиликни ташкил қилади. Ўзларингиз эплай оласизларми?

— Ҳаракат қиламиз. Фақат қашқа саманни кўрада қолдиришга тўғри келади.

— Хўп, хўп азаматлар, — деди фермер уларни тоғ ошувигача кузатиб қўяркан.

Олдинда қорли чўққилар ястаниб ётарди. Улар қаёққа кўз ташлашмасин, атроф баланд қоялардан иборат эди. Тоғолча, тоғписта ва бодом дарахтлари барг ташлаб, қишки уйқуга кетишган. Ёзги жазирама тафтидан очик майдонлардаги ўт-ўланлар қовжираб қуриб битган, тепаликдан туншаётган шаршаралар ариқ ва анҳорларга бўлиниб ажиб манзара касб ётарди.

Овнинг дастлабки куни яна қор учқунлаб табиатнинг ўзи уларга ёрдамга келди. Бир чеккадаги эшик-ромлари ўрнатилмаган уйча Рустам амакига маъқул тушди. Бу ердан адоғи йўқ яйловлар кўзга яққол ташланиб турарди. Улар қош қорайгунча теварак-атрофни кузатиб юмушлар билан машғул бўлишди. Керакли жойларга қопқон ўрнатишни ҳам унутишмади. Тунда этни жунжиқтирувчи шамол эса бошлади. Улар жойлашган уйча билан кўра оралиғи унчалик узоқ эмас. Йигитлар воқеанинг нима билан яқунланишини ҳаяжонланиб кузатишарди.

Алламаҳалда бир нечта шарпалар пайдо бўлиб, изғий бошлашди. Лекин чўпонларнинг хушёрлиги туфайли улар тонггача кўрага яқинлаша олмасдан изларини қолдириб



куруқ қайтишди. Рустам амаки тонг ёришгач йигитлар кўмагида бўриларнинг ўлимтиқдан ҳазар қилмасликларини ҳисобга олиб улар йўлига ташлаб чиқишди. Бу ов қилишнинг оддий усули бўлса-да, эҳтиёткорлик ва маҳоратни талаб этарди. Қолаверса уларнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги ҳам керак бўларди.

Осмонопар, баланд икки тоғ ўртасидаги чегара — йиртқич бўрилар ҳудуди бир қарашда осойишта гўшага ўхшарди. Аммо қош қорайиши билан ҳайвонот олами жонланиб, турли жониворларнинг ҳаракати ва шовқин-сурони сезила бошлади. Улар тунда ўзларини яхши ҳис этишарди.

Тун яримлаб чўпон итларининг овози тингач яна бир неча шарпалар пайдо бўлишди. Уларнинг бири йирик, қолганлари майда йиртқичлар эди. Рустам амаки ўз оёғи билан келган ўлжаларни қўлдан бой бермаслик учун бешотари билан шай турарди. Бир пайт улар ўлимтиққа яқинлашганларида кетма-кет гумбурлаган ўқ овозлари қулоқни қоматга келтирди. Шу заҳотиёқ уларнинг иккитаси ер тишлашга мажбур бўлишди. Бири жароҳатланиб кўп узоққа кетолмади. Шу тун махлуқларнинг бири қопқонга ҳам тушганлиги маълум бўлди.

Орадан икки кун ўтиб, нонуш-

жарлик ва қир-адирлардан иборат эди. Борган сайин йўл қийинлашиб борарди. Айниқса, ҳўл, силлиқ ва қиррали харсангтошлардан ошиб ўтиш осон эмасди. Рустам амаки келишувга мувофиқ орқароқда юрадиган бўлди. Фермер йигитларни белгиланган жойгача кузатгач жўнаб кетди. Улар катта харсангтош ёнига етиб келишганларида бўрининг ковак ҳолдаги инига дуч келишди. Лекин атрофида ҳеч қандай белги ва ном-нишон йўқ эди. Шунда йигитлар шамол эсаётган томонга ўтиб йиртқични пойлашга киришди. Лекин икки кечаю икки кундуз вақт самарасиз ўтди. Орада ёмғир шаррос ёғиб уларни анча бесаранжом қилди. Чарчоқ ва уйқусизлик аъзойибаданларини зирқиратар, олдинда уларни синовлар кутарди. Шундай бўлса-да ўта масъулиятли ва машаққатли вазифани уддалаш учун бор имкониятларини сарфлашга ҳаракат қилишди.

Ниҳоят, учинчи оқшом олисдан йиртқичнинг уввиллаган овози эшитилди. Бундан йигитлар бироз қўрқувга тушиб ҳаяжонлана бошлашди. Афтидан, она бўри инидан олисроқдаги бирор жойда ов қилиб юрарди. Таниш овозни эшитган бўри болалари бирин-кетин инларидан ўрмалаб ташқарига чиқа бошлашди. Уларнинг жуссаси унча катта эмасди. Пўстинли йигит ёш бўлса-да, удабурон эди. У эпчиллик билан

давом эттирарди. Йиртқичларнинг тўла-тўкис қўлга олинишига қараб ов ҳам чўзилиб борарди.

Бу вақтда тонг бўзариб келарди. Ҳалиги пўстинли йигит йўлайиқ бўри боласини қопдан чиқариб оғзига буров солгач елкасига кўтариб олди. Шунда она бўри боласининг ҳидини олиб қаёқдандир пайдо бўлади ва эргашиб уларга жон-жаҳди билан ташланмоқчи бўлганида Рустам амаки махлуқни аниқ нишонга ола билди. Тўдадаги яққаланиб қолган ёлдор эса ўз ҳудудини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Қисқаси, кўрага йиртқичлар доримайдиган бўлишди. Осида ҳаёт ҳукм сура бошлади. Энди чорва моллари хатардан холи. Бир ҳафталик сермашаққат овдан сўнг овчиларнинг юмушлари тугалланиб, оғир синовдан ўтишди. Йигитлар шунда ов нималигини тўла-тўкис англашди.

Эртасига фермернинг елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини кўярга жой тополмас, хурсандчилигини сўз билан ифодалаб бўлмасди. Қишлоқдан ҳам одамлар кела бошлашди. Қозон тагига олов ёқилиб, чинакамига байрам бўлди. Келиб-кетувчиларнинг охири кўринмасди. Шу кеч овчилар эл-юрт хизматига лойиқ бўлган заҳматкаш чорвадорларга омад тиладилар. Фермер улар билан хайрла-



(Охири. Боши ўтган сонда).



НАРИГИ ОДАМ

Қўлтиги орасига қаттиқ қисиб олган китоби номини сўрадим.

– “Фёдор Достоевскийнинг “Телба”си, тўғрироғи, “Иблислари” – деб, жавоб берди мағрурлик билан.

– “Хотирамдан кўтарилибди, қандай китоб бу?”. Оғзимдан чиқар чиқмас, ногоҳ, юзни қизартирадиган савол берганимни англадим.

– “Рус уста ёзувчиси” – деди нутқ ирод қилгандек, – “славян руҳиятини ҳаммадан кўра яхши илгай олган”.

Бундай тумтароқли сўзларни айта бошлаши ўзини қўлга олганининг далилидек туйилди менга. Рус уста ёзувчисининг бошқа яна қандай китобларини ўқиганини сўрадим. Тагин икки-уч китобни санади, ораларида *Нариги одам* ҳам бор эди. Сўнгра, ундан Достоевский асарларини ўқиркан, Жозеф Конрад асарлари мутолаасида бўлганидек, қахрамонларни яққол фарқлай олган олмаганини сўрадим.

– “Ундай деб ўйламайман” – деди бироз ҳовлиққан кўйи.

Дарвоқе, нималар ҳақида ёзаётганди нариги одам? Чамамда, *Қизил Илоҳийлар* деб номланувчи бир шеър тўпламини нашрга ҳозирлаётганди. Бироқ унинг китоб номини *Қизил Ритмлар* деб ўзгартириш нияти ҳам йўқ эмас эди.

– “Нега бўлмасин” – дедим, – “Сиздан олдингиларни ўрнак кўрсатиш мумкин: Рубин Дарионинг мовий шеъри, Верлеиннинг кулранг қўшиғи...”.

Бу санаб ўтилганларни илк бор эшитаётгандек, билмасликка олди. Китоби жўшқин бир тарзда инсонларнинг биродарлигини акс эттиришини айтди. Замонамизнинг шоири ўз давридан юз ўтиролмасди. Бироз ўйлаиб қолдим, сўнгра ўзини чиндан ҳам барчанинг биродари сифатида кўриб-кўрмаслигини сўрадим, яъни жаноза хизматчилари, почтачи, гаввос, жуфт рақамли уйларда яшовчилар ва ҳоказоларнинг. Саволимга нашр этилажак китобида эзилган ва хўрланганлар оммасидан баҳс юритилганини айтиб жавоб берди.

– “Сизнинг эзилган ва хўрланганлар омангиз шунчаки бир рўёдан бошқа нарса эмас” дедим. – “Фақатгина алоҳида инсонлар бор, улардан бирортасининг борлигидан сўз юритиб бўлса, албатта. «Кечаги инсон билан бугунгиси айни инсон эмас» деган экан юнионистонликлардан бири. Ким билади, Женевада ёки Кембрижда, шу банк биносида яшаётган иккимиз бунинг исботидир балки”.

Нима бўлганда ҳам, тарихнинг чин саҳифалари бир томон, унутилмас воқеалар учун, иллоки, унутилмас лофлар қилиш шарт эмас. Жон таслим қилиш арафасида бўлган инсон болалигида кўзига чалинган нимарсаларни эслашга ҳаракат қилади. Бироздан сўнг жангга қирадиган аскарлар ораларида ўзаро ё жанг майдонининг балчиқ лой эканлигидан сўз юритадилар ёки ўзларининг юзбошиларидан гап очадилар. Бизнинг аҳволимиз эса бироз бошқача эди: тўғриси айтганда, иккаламиз ҳам бунга тайёр эмасдик. Шу боис ҳам тақдир ва адабиётдан гаплашмоқда эдик. Бу масалада, умуман, журналистларга айтганларимдан ортиқ бир нима дея олмаганимдан хавотирда эдим. Иккинчи менлигим яп-янги метафоралар яратилиши тарафдори эди, мен эса самимий, очик-ойдин ҳамда хаёлотимизга уй-

гун метафораларни маъқул қўрадим: кексалик, кун-ботиши, туш, ҳаёт, вақтнинг оқиши ва сув. Бир неча йиллар сўнгра китобда ўзи ўртага ташлаган бу қарашлардан сўз очганимда, гўё қулоғи менда эмасдек эди. Бирдан:

– “Сиз бир пайтлар мен бўлган эсангиз”, – деди, – “унда, 1918-йилда сизга ўзининг Бархес эканини айтган кекса бир киши билан танишганингиз хотирангиздан кўтарилганини қандай изоҳлайсиз?”

Тўғриси, бундай боши берк кўчага кириб қолишим хаёлимга ҳам келмаган эди.

– “Шу қадар ғалати бир ҳодиса эдики, унутишни афзал билганман” – дедим, сира ишонарли бўлмаган тарзда.

Савол беришда давом этди. Бироз уялинқираб:

– “Хотирангиз кучлими?” – деди.

Ҳақли эди, ҳали йигирма ёшга тўлмаган бир болакай кўз ўнгига етмишдан ошган одамнинг иши битган ҳисобланади.

– “Гарчи тез-тез унутганим бор эса-да”, – дедим, – “аммо, хотирам тағинам керак бўлганда эслаш қобилиятига эга. Эски инглиз тили дарсларига кираман, қолаверса, хотирам ўқувчиларим олдида ҳануз панд бергани йўқ”.

Сухбатимиз тушдан фарқли ўлароқ, узайган эди. Кутилмаганда хаёлимга бир фикр келди.

– “Мени тушингизда кўрмаганингизни ҳозироқ тасдиқлай оламан”, – дедим. – “Бугунгача сиз ҳеч тингламаган шу сатрни бир эшитиб кўринг-а”. Машҳур сатрни аста-секин айта бошладим:

Аждарҳо – ўз зирҳли танин-да

Ғажувчи юҳо

Алҳол, кўрқувдан титраётганини ҳис этдим. Ҳар бир сўз лаззатини тотиб туриб, сатрни паст овозда такрорлади.

– “Ҳақлисиз,” – деди, тараддулланган ҳолда. – “Ҳеч қачон бундай сатрни ёзолмайман”.

Виктор Гюго ижоди борасида айни фикрда эдик. Эсимда, бундан олдин Витмандан қисқа бир шеърни жўшиб ўқиган эди. Шоир шеърда денгиз қирғоғида висолга эришган, бахтли бўлган бир кечани эслайди.

– “Витман у кечани ҳирс билан эслаётган бўлса”, – дедим, – “бу, ўша кеча бахтли лаҳзаларга чиндан ҳам эришганидан эмас, балки эришишни жуда-жуда истаганидан. Бунга ҳақиқий бир воқеликни тилга олиниши эмас-да, кучли истакнинг ифодаси сифатида қарасак, шеър жозибадорлиги тағинам ортади”.

Оғзи очиқ ҳолда менга қаради, сўнгра баланд овозда:

– “Сиз уни яхши билмайсиз!” – деди, – “Витман ёлғон гапирнишни уддалай олмайди”.

Ярим аср бекорга ўтиб кетмайди-ку... Инсонлардан, қачонлардир ўқиган китобларимиздан, фарқли истакларимиздан сўз очаркан, умуман, бир-биримизни тушуна олмаганимизни англадим. Бир-биримизга жуда ўхшардик ҳамда ҳеч ўхшамасдик. Бир-биримизни тушунишни уддалай олмадик, бу ҳам суҳбатимизни қийинлаштирмақда эди. Бир-биримизнинг ёмон тақдирчиси эдик. Бу шундай фавқулодда ҳолат эдики, бундан ортиқ давом этолмасди. Насиҳату баҳслашишнинг фойдаси йўқ эди, чунки истаса-истамаса у мен бўлиши керак эди, бу унинг ёзиғи...

Шу дам Колерининг эртақнамо ҳикояси келди хотирамга. Бир одам тушида жаннат томон йўл олади. Жаннатда унга гул беришади. Анча вақт ўтиб уйғониб қараса, қўлида ўша гул... Шунга ўхшаш бир ўйин ўйлаб топдим.

– “Менга қаранг”, – дедим, – “Чўнтагингизда пул борми?”

– “Ҳа”, – деб жавоб берди. – “Йигирма франк қадар пул бор. Симон Жичклинскийни бу оқшом овқатга таклиф қилгандим”.

– “Ундай бўлса, Симонга Карожда тиббиёт олий даргоҳига ўқишга киришини ҳамда жуда улкан муваффақиятларга эришишини айтинг. Энди менга бироз чақа пул берсангиз”.

Чўнтагидан 3 та катта қумуш танга ва майда пул чиқарди. Ҳеч нимани тушунмаган ҳолда, беш франклик чақа пул берди менга. Мен ҳам унга, қийматидан қатъи назар, устида 1964-йил санаси қайд этилган Америка Банкнотларидан бирини бердим. Қизиқиб кўз югуртирди.

– “Бўлиши мумкин эмас”, – деди овозини юксалтириб. – “Бу бир мўъжиза, мўъжизалар кўрқинчли бўлади. Лазарнинг тирилишига гувоҳ бўлганлар, ҳар ҳолда, даҳшатга тушган бўлсалар ажабмас”.

Аслида, заррача ҳам ўзгармаганмиз деб ўйладим ўзимча. Доимо шундай китобий суҳбатлар. Берган банкнотимни йиртиб, қўлидаги майда пулларни чўнтагига солди. Мен эса, менга берган пулларини дарёга отишни ўйлаётгандим. Қумуший дарёда йўқолиб кетгувчи йирик қумуш пулдан ҳосил бўладиган ҳалқа ҳикоямга жонли бир рамз бўла оларди, бироқ, не тонгки, толеим кулиб боқмади.

Мен ҳам қўймадим: ғайритабиий нарсалар қайта такрорланса, кўрқинчли бўлмай қолишини айтдим унга. Сўнгра икки пайт, икки жойда бўлган у банк биносидан эртаси куни тагин учрашишимизни тайинладим. Ҳеч иккиланмай қабул қилди ва соатига қарамай кеч қолганини айтди. Аслида иккаламиз ҳам ёлғон гапирётгандик. Қолаверса, иккаламиз ҳам бир-биримизнинг ёлғон гапирётганимизни билардик.

– “Бириси келиб мени олиб кетади”, – дедим.

– “Бириси келиб сизни олиб кетадими?” – дея сўради.

– “Ҳа, менинг ёшимга кирганингизда, эҳтимол, сиз ҳам бутунлай кўр бўларсиз. Бироқ сариқ ранг, нур ва сояларни, тағинам, ажрата оласиз. Кўрқманг, аста-аста келган кўрлик жуда ҳам ёмон кўргулик эмас. Бу шунчаки ёзда секин-секин тушган ғира-шира қоронғуликка ўхшайди”, – дедим.

Бир-биримизга қўл узатмай хайрлашдик. Эртаси куни келишилган жойга бормадим. У ҳам бормади.

Хуллас, учрашув чин эди, аммо нариги одам мен билан суҳбатлашаркан, туш кўрмақда эди. Мени унута олишининг сабаби ҳам шунда. Мен эса у билан гаплашаркан, уйғоқ эдим. Бўлиб ўтганларнинг хаёлимдан чиқмаётгани мени ҳали ҳам тинч қўймаётган эди.

Нариги одам мени тушида кўрди, бироқ яққол кўрмади. Энди англаяпман, долларнинг устидаги санани кўрди...

Инглиз тилидан
Шермурод СУБҲОН таржимаси

Олтинлар водийси ҳақидаги ҳикоямизнинг аввали, Сиз, азиз журналхонларда қизиқиш уйғотганига ишонамиз. «Олтинлар водийсидаги тоғлар оддий харсанг тошлардан эмас, аксинча, соф олтин қўймалардан иборат!» Ахир, бир замонлар аллакимлар томонидан ўйламай-нетмай айтилган бу сўзлар кимларнинг хаёлини ўғирламаган дейсиз?

Биз журналимизнинг ўтган сонидан ўз ҳаётини Элдорадо водийсига бағишлаб, охиरोқибат фожиали ўлим топган англиялик шоир ва қироличанинг маслаҳатчиси Уолтер Рейли ҳақида сўз юритган эдик. Бу гал ҳам ушбу мавзунини давом эттириб, жасур Уолтер Рейлининг издошлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Рейли олтинлар водийсини қидирувчилар орасида биринчиси ва шу жумладан, охиригиси эмас экан. 1535 йилда Уолтернинг издоши, Кито давлатининг фуқароси Себастьян Белакасар ҳам пухта ҳозирланган экспедиция билан

олтинлар водийсини излаб сафарга отланади. Ушбу экспедиция эъзолари ҳам Элдорадо топишларига ишончлари комил эди.

Чунки XVI асрнинг биринчи ярмига келиб олтинлар водийси тўғрисидаги афсонавий гап-сўзлар шу даражада кўпайган эдики, ҳатто баъзи кишилар тап тортмасдан бу водийни ўз кўзлари билан кўрганлари ҳақида куйиб-пишиб гапиришарди.

Эътибор беринг, хазиналар оролини «ўз кўзи билан кўрган» Ф. Пикассо исмли кимса шундай деган: — Элдорадо чексиз-чексарасиз водий. Унинг пойтахти Амазонка ва Ориноко дарёлари оралигидаги Парима кўли соҳилида жойлашган. У жойда олтинлар шу даражада серобки, уларнинг биздаги оддий чағир тошчалик қадр-қиммати йўқ...

Бошқа бир испан фуқароси лоф урушни ҳаддидан ошириб юборди:

— Мен Элдорадо водийсида етти ой (!) яшадим ва шунга гувоҳ бўлдимки, ҳатто эртақлар-

да ҳам олтин бу даражада беқадр бўлмаган. Ўз кўзим билан кўрдим, Элдорадо қироли устига кийим киймайди. Унинг махсус (хос) кишилари ҳар куни эрталаб қиролнинг устига алоҳида ишланган елим суришади ва бугун танасига олтин кукунини пуркашади. Шу тариқа, қирол олтин ҳайкалга айланади. Кечки пайт уйқуга ётишдан аввал унинг танасидаги олтин зарралари билан қопланган елимни махсус суюқликда ювиб ташлашади.

Ҳа, нима бўлганда ҳам оғиз кўпиртириб лоф урган испаннинг бу афсонаси тарихда беҳуда кетмади. Элдорадо номини олишига ҳам айнан мана шу сафсата сабаб бўлгандир балки. Негаки, испан тилидаги «Элдорадо — радо» сўзи ўзбекчада «олтин суви юритилган» деган маънони англатади. Агар замонавий илм-фан нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бу фикрнинг хато эканига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки инсон нафақат оғзи-бурнидан, балки тана терисининг ҳар бир ҳужайрасидан нафас олади. Демак,



огиз-бурун очиқ турган ҳолда ҳам тананинг бошқа қисми на-фас олмаса инсон бир неча со-атдан ортиқ бардош бера олмай-ди. Бу фикр тибби-ётда аллақачон ўз исботини топган. Ўша замонларда тиббиёт ҳали етарли даражада ривожланмагани сабабли ўша давр одамлари юқори-дагига ўхшаш аф-соналарга содда-диллик билан ишонишарди.

Энди яна Себа-стьян Белакасар экспедицияси тафсилотларига қайтсак. Ушбу гуруҳ вакиллари олтинлар водий-сини қидириб, роппа-роса тўрт йил овораю сарсон бўлишди. Ўтган вақт мобайнида гуруҳ аъзолари-нинг кўпчилиги машаққатли йўл азобларига чидол-май ҳаётдан кўз юмди...

Гапнинг қисқасини айтган-да, ушбу гуруҳ аъзолари ҳам худди Уолтер Рейли экспедици-яси каби ўз ватанлари Китога

қуруқ кўл билан қайтиб келиш-ди. Натижа қандай бўлмасин, олтинлар водийси ҳақидаги аф-соналар ҳамон бойликка ўч,

гаройиб сар-гузаштларга орзу-манд кишиларга тинчлик бермасди. Шунинг учун ҳам ушбу афсонавий водийни топишга умид боғлаган кимсалар кундан-кунга кўпайса кўпаяр эдики, ҳеч камаймасди. Ҳали у мамлакат, ҳали бу мамлакатда ол-тинлар водийсини топиш учун махсус экспедициялар ташкил этилар, уларга катта-катта маблағлар ажрати-лар, бирининг ке-тидан иккинчи эк-спедиция узоқ са-фарга йўл оларди. Аксига олгандек, Элдорадо сира то-пилай демасди. Ол-тинлар водийсини қидириб йўлга чиққан экспеди-цияларнинг са-



ЛАР ВОДИЙСИ

қидирувчилар қисмати

ноқли гуруҳларигина ўз ватанига қайтиш бахтига мушарраф бўларди. Ватанларига қайтган гуруҳлар ҳам жуда кўп сафдошларини сахрою чўлларда, ботқоғу кўлларда қолдириб келарди. Лекин бундай аянчли воқеаларнинг бирортаси «Олтин жозибасига» маҳлиё бўлган орзуманд кишиларни бу хатарли йўлдан қайтара олмасди.

Қадимги дунё тарихчиси Плиний Хриза ороли ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Тарихчининг ёзишича, бу орол бутунлай олтиндан таркиб топган экан. Шунинг учун орол аҳолиси олтинни бир чақага ҳам олмас экан. Орадан маълум вақт ўтиб, юнон астрономи Птолемей олтин орол тўғрисида янада аниқроқ тушунча беради. Унинг ёзишича, «Олтин тоғлардан иборат орол Ҳинд океанининг 8 градус, 5 шарқий кенлигида жойлашган...»

Агар тарих саҳифаларини варақласак, замонлар ўтган сари Элдорадо тўғрисидаги афсоналар камайиш ўрнига тобора кўпайиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Чунки аввалига ягона бўлган олтин водий кейинчалик «Олтин водийлар»га айланган. Шунингдек, «Олтин орол» атамаси ҳам ўз ўрнини «Олтин ороллар» атамасига бўшатиб берган. Қолаверса, турли даврларда яшаб ўтган тарихчи ва географ олимлар Элдорадо водийси турли мамлакатлар ҳудудида эканини ёзиб қолдиришган.

Хусусан, Идрис шаҳрида яшаб ўтган араб географ олими «Элдорадо — олтинлар водийси Цейлон (ҳозирги Шри — Ланка)нинг жанубий ҳудудида жойлашган. Бу юртда ҳатто итларга ҳам олтин занжир тақшарди», деб гувоҳлик беради. «Инжил»да эса Офир номли олтинлар мамлакати ҳақида сўз юритилади. Айнан Офир мам-



лакати қаердалигини топиш учун ҳам жуда кўп тарихчилар илмий изланишлар олиб борган. Лекин бу олимларнинг бу борадаги фикри ҳам бир жойдан чиқмайди. Айтайлик, немис тарихчи олими Б. Мориц бу ўлка жанубий Арабистонда жойлашган деб ёзса, француз олими Ж.Ойер олтинлар мамлакати Нубуя ҳудудида бўлган, деб ҳисоблайди. Яна бир бошқа тарихчилар олтинлар водийсини шарқий Африкадан излаш керак дейишса, бошқа бирлари бу водий Ҳиндистон ҳудудида жойлашгани ҳақиқатга яқин дейишади. Ҳатто олимлар орасидан олтинлар водийсини Саломон ороларидан излаш керак, деганлари ҳам топилади...

Кўринадики, юқорида келтирилган башоратларнинг барчаси шунчаки тахминлардан иборат экан. Чунки орадан йиллар ўтса ҳамки, Элдорадони фалон киши топган, деган аниқ маълумот йўқ.

Сўзимизнинг интиҳосида Элдорадо водийсини қидириб сафарга чиққан сўнгги экспедиция қайси, деган саволга эътиборни қаратсак, кўп сонли журналхонларнинг хоҳиш-истагига жавоб берамиз. Тарихий маълумотларга асосланиб мулоҳаза юритсак, олтин изловчилар-

нинг ҳозирча сўнгги экспедицияси 1748 йили Голландиядан йўлга отланган. Таассуфки, ушбу афсонавий водийни топиш уларга ҳам насиб этмаган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз юқорида турли давлатлардан олтин илинжида йўлга отланган расмий экспедициялар тўғрисидаги сўз юритдик. Аммо улар орасида ўз маблағи эвазига Элдорадони топиш истагида ҳаётини хатарли ишга қурбон қилганлар ҳам талайгина. Қолаверса, бугунги фан-техника ривожланган, одамлар бўлар-бўлмас афсонаю ривоятларга ишонмай қўйган бир даврда ҳам олтин изловчилар борлиги, кимлардир афсонавий Элдорадони топишни қўмсаб яшаётгани бор гап...

Хулоса ўрнида Шарқ донишмандлари айтган бир пурмаъно фикрни келтириб ўтсак. Ота-боболаримиз «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?» дейишади ҳозиргача. Дарҳақиқат, осмондаги ойни олиш илинжида хомтама бўлиб яшайдан кўра ён қўшнимизнинг, кекса-муҳтож кишиларнинг кўнглини олинг. Улар эса сизни дуо қилади.

Дуо — олтиндан қимматроқ!

Комил ЖОНТОВ.

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади

МАФТУНКОРЛИК СИРИ

Мафтункорлик сири

Тарихдан маълумки, Миср маликаси Клеопатра ўзининг донолиги ва жозибadorлиги билан шаҳзодаларини ром этган. Лекин олимларнинг фикрича, малика унчалик хушбичим бўлмаган, бироқ унинг териси жуда ҳам майин бўлган экан. Бунинг сабабини биласизми? Клеопатра кундалик турмушимизда ишлатиладиган сут ва асалдан фойдаланган. Шунинг учун ҳам унинг териси жуда нозик ва нафис бўлган. Қуйида сизга табиий маҳсулотлардан тайёрланган ниқобларни тавсия этамиз:

Бодринг ниқоби кенгайган юз тешикчаларини торайтириб, оқартиради. Бундай ниқоб буришган ва сўлган териға фойда. Бодринг сувини эса лосьон сифатида ишлатса ҳам бўлади.

Юз териси ёғли ва тешикчалари кенг бўлса, бодрингни қирғичдан ўтказиб, кўпиртирилган тухум оқи билан ёки бир-икки томчи лимон кислотаси билан аралаштиринг. Агар терингиз қуруқ бўлса, бодрингга 2 ош қошиқ қаймоқ қўшинг.

Картошка ниқоби ажинларни текислайди.

У кўз остидаги шишларға қўлланилса, жуда фойдали натижаға эришасиз. Картошка суви яллиғланишнинг олдини олади.

Пишган картошкани сут билан аралаштириб юзға суртамиз. 1 чой қошиқ глицерин қўшиш ҳам мумкин. Ниқобни юзға илиқ ҳолда суртиб, пергамент қоғози билан ёпиштирамыз. 15-20 дақиқадан кейин илиқ сув билан чайиб ташлаймыз.

Олма ниқоби терини намлантириб, яллиғланишнинг олдини олади.

Олмада яллиғланишларни бартараф этувчи моддалар кўп, шунинг учун ундан тери яллиғланишида фойдаланишни маслаҳат берамыз.

Яримта олма қирғичдан ўтказилиб, 1 чой қошиқ асал, 1 та тухум сариғи, 1 ош қошиқ олма сиркаси, 1 чой қошиқ ўсимлик ёғи

билан аралаштирилади.

Лимон ниқоби юз териси тешикчаларини торайтириб, оқартиради.

Лимон сувиға озроқ сув қўшсангиз фойдадан холи бўлмайди.

1 ош қошиқ творогни 1-2 томчи лимон суви билан аралаштиринг. Бу ниқоб ажинларни яхши текислайди.

Оқартириш учун: 1 та лимон суви 2 ош қошиқ асал билан аралаштирилади. Докани шу аралашмада хўллаб юзға 15-20 дақиқа қўйиш керак. Бу ниқобни музлатгичда 1 ҳафта сақлаш мумкин.

Помидор ниқоби юзни тозалаб, ҳужайраларнинг тез тикланиши ёрдам беради.

Яхши озиклантирадиган ва эрта қаришнинг олдини оладиган ниқоб: 1 та помидор, 1 та тухум сариғи, 1 ош қошиқ крахмал аралаштирилади. Бунинг учун помидорни қирғичдан ўтказиб, қолган масалликлар ҳам яхшилаб аралаштирилади.

Банан ниқоби терини текислайди ва юмшатади.

Бундай ниқоб, айниқса, узоқ вақт ҳавоси қуруқ жойда бўлганингизда ёрдам беради. Яримта бананни вилка билан эзиб, нозик қилиб юзға суртиш лозим.

Эслатма

1. Барча ниқоблар янги мевалардан фақат бир марта фойдаланиш учун тавсия этилади.

2. Ҳар қандай ниқобни ювганда 2-3 марта чой, лосьон ёки бодринг сувида ивителинган пахта билан артиб олиш етарли.


3. Нормал ва қуруқ териға ҳафтада 1-2 марта, ёғли юзларға эса 2-3 марта суртилади. Бўйинға ҳам суртишни унутманг. Чунки бўйин ҳақиқий ёшингизни айтиб қўйиши мумкин-да. Даволаш курси 15-20 кун ҳисобланади. 2 ойдан сўн яна қайтариш мумкин.

P/S: Агар тери ёғли бўлса, қизил смородина, брусника, карамдан, қуруқ бўлса, ўрик, узум, қовун, олхўри, банандан фойдаланилади. Тарвуз, бодринг, апелсин ва кулупнай меваларини эса ҳар қандай териға тавсия этиш мумкин.



Бекинма- чоқ	Паст бўйли сершоҳ бута								Юзи сий- лик ип- газлама			
					Хошиш, май	Оти бир кишилар	Мус- тақам асосга эга		Май иди- ши, жом	Ҳазил қи- либ бе- рилган ном	Садо, то- вуш, овоз	
									Диего синглиси (сериал- дан)	Куй, оханг, хониш		
					Камба- гал, қаш- шоқ		Те- лекурса- тув				Балогат- га етма- ган аёл	
								Мақтов, мадҳ				... Аҳмад
					В. Ме- ладзе альбоми				Хибс	Сигарета нави АҚШ		... Пикас- со, рас- сом
						Изоҳ		Ижро этиш суръати	Афғон тили			
							Турмушга чиққан аёл, Гер- мания	Медал- нинг олд томони		"Хлестаков хизматко- ри, "Ре- визор""		
	Қадим		Тўқали қайиш					Нектар йиғувчи ари			Дада, ота	
	Икки қўл орасида- ги ма- софа		Сўнги, поён	Мўлжал, тахмин				Яккама- якка оти- шув	Шоколад тури		Юнон харфи	
					Кийим сиртки қавати		Лола	Ғажим, попук				
Зоғора балиқ	Эга ва ... (гап)	Маълум муддатга ажрашиш								Адам ра- фиқаси	Ректор раҳбар орган	
					Алсу қўшиғи				Тутқун, банди			
	Уй жи- хози					Пардоз бўёғи						
	Кейинги, орқадаги		Кема зи- наси	Иншоот кўрини- ши, чиз- ма		Йиртқич хашарот						
				... наMAT		"Ҳар ... бўлсин куёш"			Оқ ёй, каолин			
Марко .. венети- алиқ саёхатчи		Америка туб аҳо- лиси										
Балиқ овлаш тўри					Спарта деҳқони							
Қолдиқ		... Аннан (БМТ собиқ бош ко- тиби)					Олдинга, илгарига		Тўсиқ			
					Мавжу- дот							



– Сиз доимо аччиқроқ
кофени хуш кўраман дер
эдингиз...



– Бугун эрталаб сени ишдан
ҳайдаганимни унутганим
йўқ. Тезда йўқол!!!

Лондондаги қалъа-қамоқ	... Руставелли	Ишбоши																			
			 <p>– Командир, қошотдаги саккиз ойлик вазисизлик ҳолатидан кейин, она еримизда ўзингизни қандай ҳис этаясиз?</p>										Опа сингилларнинг болалари	Тароқ							
	Негиз, пойдевор	Жанубий Корея пойтахти																Газета номи	Курбақа		
, фиршира	Суюқ ширинлик																			
Олма нави			Цирк сахни	Толиб олинган нарса																	
	Одамлар, жамоат			Солиштириш	... Брэннан, актёр				Иттифок, бирлашув												
	... Собиров, хонанда	...-Батор	Хиндулар қайиғи						Химия									Моддий ёрдам	Истеҳком, кўрғон		
				От, эшак жароҳати				Оргтехника тури													
	Худо, Оллоҳ, Тангри	Пул						Кафт ўлчови	Сийраклатиш									Пол актёр			
			Тўтиқуш тури	Иван Грозний қиёфадoshi														Ижро этиш суръати	Геологик давр		
Муסיқа сози					Болали хотин	Тупроқ													Ов қилувчи киши		
Саахов роли ижрочиси	Миясиз, ақлсиз		Геологик давр қисми															"Фауст" муаллифи			
			Маймун тури	Муаллифи кўрсатилмаган															Мўйнали ҳайвон	Ясон кемаси	
	Одам боши орқа томони	Суров, савол								Ҳайвон оёғи қисми											
	ТВни узокдан бошқарувчи	Қизғаниш, кунчилик	 <p>Огоҳлантирувчи ёзув: Тимсоҳларга егулик берилмасин!</p>										Осиб кўйилдиган								
																			Бир оз, озгина	Роз	
Ҳарбий этиги анжومي																					
Муомала қоидалари мажмуи	Безак учун энсиз мато																			Осмон фалак	Араб харфи
								Оғзаки нутқ													

ҲИЙЛАКОР БАХИЛ

Бир бахил ўртоғига шундай дебди:

— Биласанми, дўстим, юз минг сўм пулим бор, шуни шаҳар ташқарисидаги бир ерга кўмиб қўймоқчи эдим. Аммо шу жойни фақат сенга кўрсатмоқчиман.

Икки дўст шаҳардан чиқиб, пулни бир дарахтнинг тагига кўмишибди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин бахил ўша ерга бир ўзи бориб қараса, пулдан ному нишон ҳам йўқ эмиш. У: “Бу ишни ўртоғим қилгани аниқ, лекин мен ундан тўғридан-тўғри пулни сўрасам, албатта тонади” деб ўйлабди.

Шундай қилиб у ўртоғиникига борибди-да, унга шундай дебди:

— Дўстим! Кўлимга яна бир талай пул тушди. Буни ҳам ўша ерга кўмиб қўймоқчиман, мен билан бирга бориб келсанг деган эдим.

Ўртоғи бир талай пулнинг дарагини эшитиб, ўғирлаган пулни кечаси ўз жойига қайтариб олиб бориб қўйибди. Бахил эртаси куни ёлғиз ўзи бориб, дарахт тагидан пулни кавлаб олибди.

КАР ҲАМ ЭШИТАРКАНМИ?

Жамолнинг уйланганига уч-тўрт кунгина бўлган эди, кўчада кета туриб қулоғи том битган ошнасини учратди.

— Оғайни, уйланибсан деб эшитдим, ростми? — деб сўради ошнаси.

Жамол таажжуб билан кифтини қисди.

— Ўзинг қулоғи том битган қар бўлсанг, уйланганимни қандай эшитдинг?

ЦИРКНИНГ ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАРИ

Иш тополмай юрган Бир йигит циркка бориб иш сўради.

— Иерларимиздан бири кеча тўсатдан ўлиб қолди. Агар истасанг, шер териси ёпиниб, унинг ўрнида ўйнаинг мумкин, — деди цирк мудири.

Йигит бу таклифни қабул қилди.

У цирк майдонига чиққанида ўзини йиртқич ҳайвонлар ўртасига кўриб, кўрққанидан юраги ёрила ёзди.

Узоқдан шернинг Веулисов ҳаракатларини кузатиб турган Бир йўлбарс унинг ёнига келиб:

— Қўрқма, қўрқма, Бир кеча ўйнаганинг учун сенга неча пул тўлайдиган бўлишинг? — деб сўради.

УМРИМ БИНО БЎЛИБ

Бир кишининг фили бор эди. Филга қараб туриш учун ҳиндистонлик доктор ёллаган эди.

Фил доктори уч ой таътил олиб, ватанига кетди. У кетгандан кейин филнинг эгаси гумаштасини чақириб:

— Доктори кети қолди. Энди фил касал бўлиб қолса, нима қиламиз? — деди.

— Ҳечқиси йўқ, хўжайин, шахримизда яна бир ҳиндистонлик бор, филни ўшанга топшириб ойлик тайинласак, уч ойгача қараб туради. Ҳиндистонлик бўлгандан кейин, албатта, филни яхши билади, — деди гумашта.

Ҳиндистонликни чақириб филни унга топширдилар. Ҳиндистонлик ўзича: “Фил дарров касал бўлармиди, уч ойгача маза қилиб ойликни олиб ётаман, унгача доктор келиб қолади, албатта” деб ўйлаб, вазифани қабул қилди.

Учинчи ойнинг ўн иккинчи куни фил бирдан касал бўлиб қолди. Дарров хўжайин ҳиндистонликни чақиртириб:

— Фил касал бўлиб қолди, касалига қараб уни давола, — деди.

Ҳиндистонлик филнинг атрофида парвона бўлиб, ёқасини ушлаганича нуқул:

— Тавба-тавба, — деб такрорлайверди.

Унинг бу сўзига ҳайрон қолган хўжайин:

— Намунча “тавба-тавба” дейсан, ундан кўра тезроқ даволасанг-чи, — деди.

— Умрим бино бўлиб икки думлик ҳайвоғни кўрмаган эдим, — деб жавоб берди ҳиндистонлик.



— Қизимга овқат тайёрлашни ўргатишингни таъқиқлаш ҳақида судга мурожаат қилмоқчиман.



— Катта спортни ташлашга сизни нима мажбур қилди?



— Бу асалари чаққан киши.

Нигина ҚОДИРОВА,
Комил ЖОНТОВ тайёрлади